



Ўзбекистон халк шоири Сирожиддин Саййиднинг “Дил фасли” тўпламида шоирнинг янги шеърлари ва олдин чиккан китобларидан олинган шеърий намуналар киритилган. Шоир она Ватанини, мухаббат ва садокатни авж пардаларда тараннум этади. Ёшлиқ айёми, умр фасллари унинг назмида бор жўшкинлиги, ранг ва ифорлари билан намоён бўлади.

Тўпламдан, шунингдек, “Бозор иктисадиёти” мавзуидаги хазил-мутойибага бой шеърлар хам алохига ўрин олган.

Мазкур ранг-баранг назмий гулдаста шоиримизнинг китобхонларга тоза ва муаттар дил тухфаси бўлади деган умиддамиз.

МУХАББАТЛИ БУ ОКШОМЛАР (Янги шеърлар)

ТОНГ

Тонг отар, дафтарларин
очиб еру осмонга, тонг,
Бўйларин, анбарларин
сошиб гулу райхонга тонг.

Хуш насимлардин умидлар
хам сафолар келтирур,
Жумлайи юрган тирик жон,
жумлайи инсонга тонг.

Ок келинчакдай либосин
чўккилардан кўргизиб,
Тогу тошда аввало берди
салом чўпонга тонг.

Кир-адирлар багрида
яйраб таратди жилвалар,
Нагма берди жилгаларга,
сохилу сайхонга тонг.

Бу гўзал гулшан диёрдир,
бунда шўху шан баҳор,
Канчалар рангу ифорни
солди шўх жавлонга тонг.

Оксаройлар кўксига
кўндириди ок капитарларин,
Неча бир давру замондин
келди бу кўргонга тонг.

Мен у тонг отмас
замонларни тасаввур аиласам,
Тожмаҳал шаклида колди
мангу Хиндистонга тонг.

Ранг олиб бўстонлари
булбулларининг конидан,
Полагун бўлдию ботди
нолаю афгонга тонг.

Мўлтираб осмонларида
колди зор чўлпонлари,
Отмади зинданда
Чўлпон билан Усмонга тонг.

Сўлди бир эл миннату
тухмат аро юзи каро,
Чунки хеч мумкин эмасди
у темир зинданга тонг.

Сен фидолар ному ёдидан
дилингга ибрат ол,
Шул сабабим, бесабаб
отмас бирор давронга тонг.

Сўнмагай Сохибкирон
шавкатлари, хеч сўнмагай,
Келтирас султонлари
от миндириб султонга тонг.

Накшбанд этди Накшбандий
бобо гумбазларин,
Отди инсоғу диёнат,
калб билан иймонга тонг.

У Самарканد бодларин
шингарфу зангор айлади,
Отди тонг Фаргонада,
нур сочди хам Сурхонга тонг.

Кўзгу олдида нигоринг,
кўзгуми ё тонгмидир?
Тонгга ўхшар дилбаринг
ё дилбари жононга тонг.

Умримиз кўзгуларида
хар сахарнинг ўрни бор,
Кексаларга неъмату
бахтдир кизу ўглонга тонг.

Не шарафдир, бу хаёт
бўстонига зийнат бериб,
Одам оламга зиё,
келтирса хар инсонга тонг.

Эзгулик карвонларин
йўллаб, мұяссар айлагай
Ўзбекистонни баҳористон,
куёшистонга тонг.

2005

ИЗХОР

Бир тилим хандалак, бир тилим хилол
Минг йил кўз ўнгимдан кетмагай харгиз.
Сен — мангу халқдирсан, ризк-рўзи халол,
Мен — сендан таркаган, кўкарган илдиз.
Одам атолардан нишоним дедим,
Сени бобом дедим, дәхконим дедим.

Элин билмаганлар юртин каргарлар,
Миннат килганлар бор берган ош-нонин.
Кетди бодларингни босган каргалар,
Азал булбулларга гўзал ошёним.
Тўргайларга ўнгай маконим дедим,
Сени багрим дедим, осмоним дедим.

Амир Темурлардан колган номус-ор,
Бир синик гиши хам шараф-шон юртим.
Сен — ўлмас гуурсан, сўнмас ифтихор,
Суви хам, куми хам зарафшон юртим.
Асрлар жўш урган дил коним дедим,
Туги абад баланд кўргоним дедим.

Сен — ўн бешга тўлган отажонимсан,
Бешигинг ислари кетмаган хали.
Тожу тахтим менинг, зўр имконимсан,
Бори тириклигим, умрим сайкали.
Сени — кошу кўзим, мижгоним дедим,
Ўз уйимда ўсган султоним дедим.

Менинг бу дунёда бошка онам йўк,
Онажоним ўзинг — танҳо, ягонам.
Сен борсан — сўзимнинг бошоклари тўқ,
Сен борсан — тинмагай тилдан таронам.
Сенга садка бўлсин бу жоним дедим,
Сени жоним дедим, жаҳоним дедим.

Халк бўлиб заминда кўз очган кундан
Канчалар меҳнату миннат кўрдик биз.
Асли Истиклонинг гояси шундан,
Жон чекиб, муҳташам давлат курдик биз.
Эзгулик даргоҳим, майдоним дедим,
Оlamга очилган айвоним дедим.

Дунё хам бўлинниб тулпор, отларга,
Кувончу гам деган тарафлар бўлгай.
Лекин эл-юртим деб ўтган зотларга
Абадият кадар шарафлар бўлгай.
Бир тонгда ушалган армоним дедим,
Кетмас бўлиб келган давроним дедим.

2006.5.08.

* * *

Менинг шоирлигим — орзу,
фалакдин гар талаб кўйса,
Сочиб кўнглимга ой нурин,
куёш хам ўт калаб кўйса.

Беруб гулханлигин гулхан,
очиб гулшанлигин гулшан,

Яна гул гунчалар таъзим
 билан сатрим силаб кўйса.

Дилимдан бошланиб созлар,
 эл ичра килса парвозлар,
 Тераклар титрабон кетса,
 чинорлар калтираб кўйса.

Менинг карзим — назарлардан,
 ёшим тўккан мозорлардан,
 Ки мен зиркирадим доим,
 бирор хам зиркираб кўйса.

Чаман ичра ўзи хам бир
 атиргулдай бўлиб колгай,
 Дилимнинг конига булбул
 канотин гар булааб кўйса.

Узун тунларда бедорлар,
 бу дилбарлар, бу дилдорлар,
 Кўнгил кўйса, бу — дил берса,
 бу — юз кўйса, бу — лаб кўйса.
 Менга ханжар билан шамшир
 тигига харгиз хожат йўк,
 Узун мижгонларини гар
 нигорим бир қадаб кўйса.

Куйиб сахрога айлансан, —
 яна дарёга айлансан,
 Ки Фарход бирла Мажнун хам
 бу ким деб бир сўраб кўйса.

Демангким, мён сухан ёзгум,
 ки шеърмас, бир Ватан ёзгум,
 Уни мен тан батан ёзгум,
 баҳори эркалаб кўйса.

Зиё колсин деб инсонлар
 чекар захматлару жонлар,
 Менинг хам бу умрларда
 изим бир яркираб кўйса.

Ажаб хою хаваслардир
 азалдан шеъру шоирлик,
 Уни олам юваб оку,
 бутун олам тараф кўйса.

На бўлгай менга хам имлаб,
мени хам бир набирам деб,
Киёмат тонгида бобо
Навоий бир караб кўйса.

2006

* * *

Улуг бобонг Навоийнинг
ётар жойи Хирот бўлгай,
Валекин билмасанг ул
зотни сен, оғир уёт бўлгай.

Сенга мухтоҷ эмас ҳазрат,
улуг максад, улуг мөхнат
Билан дил кўзларин очким,
хаётинг хам хаёт бўлгай.

Завол эрмас, камол келтири
она юртингга ҳар соат,
У сенга хам она, хам юрт,
сенга икки канот бўлгай.

Нечун ёлкиnlаниб кезгай
бу тўфонзода тойчоклар?
Улар фарзандларингга
Бойчибору хам Гирот бўлгай.

Бу тупрок узра инсон бор,
ва иймон — икки мансаб бор,
Агар жуздир ва ё карлук,
ўғиз ё кўнгирот бўлгай.

Кетар жисминг муваккатдир,
Ватан — мангу мухаббатдир,
Агар кимда мухаббат йўқ,
жахонда номурод бўлгай.

Келибсан гар сурур келтири,
хавас бирлан гурур келтири,
Ки сен кетсанг хам орtingдан

эл ичра ному ёд бўлгай.

Навоий назми — иймондир,
агарчи Сўзни сотгайсан,
Унинг бир сатри охир
таъби назмингга сирот бўлгай.

Менинг бу норавон шеърим
ёзилди бир ният бирлан,
Ёзилсин шеър хам токи
у шеърдан бир мурод бўлгай.

2005

ШОХ БОБУР

Бунча узун ох тортдингиз, ох Бобур,
Муттаҳамлар дунёсида шох Бобур.

Андижону Хинду — етти иклимда
Топилмади Сизга бир додҳоҳ, Бобур.

Оллоҳимнинг даргоҳлари кенг, лекин
Сигдирмади Сизни бу даргоҳ, Бобур.

Кечака узун, манзил олис, йўл узок,
Сизга факат ёлгиз ой ҳамроҳ, Бобур.

Нонқўр беклар, беокибат мирзолар,
Кимлар Сизга казмадилар чоҳ, Бобур.

Гурбат бўлди охир тоҷу таҳтингиз,
Подшоҳлар хам йигларкан-да, воҳ Бобур!

Кисмат каттиқ, алам бисёр, эл гофил,
Бу дунёда борми бир дилҳоҳ, Бобур?

Умри отда ўтган буюк мусофири,
Давлат надир асли, надир жоҳ, Бобур?

Шоирлиги шохлигидан улугрок,
Шохлиги хам шеъридай огоҳ, Бобур.

Алишербек дейсиз, назм султони,
Сиз хам шунда топдингиз паноҳ, Бобур.

Шамширингиз янглиг Жайхун яркирар,
Кўкда моҳ хам Сизнинг мангу оҳ, Бобур.
2005

ОЙБЕК

Ўзича тушмаган осмондан Ойбек,
Яралмиш меҳр ила армондан Ойбек.

Агарчи давр уни тилдан аюрди,
Вале айрилмади иймондан Ойбек.

Уни ўз лафзига зор айлаганлар,
Кувонмишларки: колди сондан Ойбек.

Хасад гавгосию миннат жафоси,
Не кўрди ул бузуг даврондан Ойбек?

Эзилган кифтларида ўзбаки тўн,
Ўтиб келди очик зиндондан Ойбек.

Ахир инсон эди ул камтарин зот,
Садокат истади инсондан Ойбек.

Уни ўйлантириб миллат камоли,
Кечирмиш дардларини жондан Ойбек.

Зарифа опамизким — кувват олмиш,
Ўзи тог бўлса хам райхондан Ойбек.

Ватандин кетмаган, сингмиш Ватанга,
Етишган шу улуг карвондан Ойбек.

Ўзи йўқ, жисми йўқ, лек кўзлари бор,
Навоийдек бокар айвондан Ойбек.

2005

Б О Г

Богбон Носирхон ота Тўракуловга

Бу дунёда бог килмокнинг хикмати бор,
Бог колса гар инсон умрин зийнати бор.

Бир кўчат хам ўткизмайин ўтса одам,
Инсон умрин неча пуллик киймати бор?

Бу боглар хам шундок пайдо бўлган эмас,
Бу богларни багбонининг хислати бор.

Багбон айтар: ном колдиринг, колдиринг бўг,
Ки умрнинг дарё мисол шиддати бор.

Фарзанд янглиг ўстирилгай хар бир дарахт,
Бог килмокнинг юз минг алам, меҳнати бор.

Инсон кўли гул дейдилар, то инсоннинг
Ихлоси бор, меҳри яна химмати бор.

Ношукурлар кайдан билсин бог кадрини,
Нонқўрларнинг ўз элига миннати бор.

Мир Алишер бобомиздан келган сўз бу,
Багбоннинг хам Навоийдек тийнати бор.

Кай элнингким бордир шундай багбонлари,
Ўшал элнинг Ватани бор, миллати бор.

2005

ЯХШИЛИК

Яхшилик кил — элу юртинг,
дўсту ёру бегонага яхшилик кил.
Энг аввало — ўз онангга,
Хеч бўлмаса — ўз онангта
ўхшайдиган бир онага
яхшилик кил!

2006

МЕХР

Бунчалар меҳрни хеч кайдан топмам —
Опам — кўнглим бўлди,
Кўнглим-чи — опам.
Дарду согинчларга шунчалар сингдим —
Синглим — кўнглим бўлди,
Кўнглим-чи — синглим.

2006

АСАЛ КИЗИМ НИГИНА

Бахор келар шивир-шивир, Нигинжон,
Майсалар хам живир-живир, Нигинжон.

Мажнунтолнинг соchlари чилвир-чилвир,
Мен шеър ёзай чилвир-чилвир, Нигинжон.

Согинчларим гуллар очар богларда,
Ёмгирларим бикир-бикир, Нигинжон.

Сахарданок ўйноклаган жилгамсан,
Тириклигим кикир-кикир, Нигинжон.

Тушларингда жилмаясан нурланиб,
Болишларинг гимири-гимири, Нигинжон.

Кечалари куртак ёзар, барг ёзар,
Каламларим шитир-шитир, Нигинжон.

Мехр билан жимирилаган хаётим,
Жону дилим жимири-жимири, Нигинжон.

Умр бўйи менинг кетмас баҳорим,
Калдиргочим вижир-вижир, Нигинжон.

2005

КИЗАЛОКЛАР

Куёш хар тонг нурга белар
Айвонингиз, кўчангизни.
Унинг ўзи ёпиб берар
Иссиккина кулчангизни.

Сиз — хаётнинг юзидағи
Кулгичлару хандаларсиз.
Биронингиз капалагу
Биронингиз хандалаксиз.

Айланади вижир-вижир,
Калдиргочлар бошингиздан.
Канотларин олган улар

Сизнинг кўзу кошингиздан.

Сиз билан бу меҳр боги
Сўлимас хеч, хаёт бўлар.
Тириклик хам бутун умр
Асал бўлар, новвот бўлар.

Умрларнинг баҳорида
Гунчаларсиз, гулчаларсиз.
Бунчалар хам ширин хаёт,
Ширингина кулчаларсиз.

2005

ЁТИБЛАР ИЧГАН СУВЛАРИМ

Ёш чоғларимдан севмишим —
ётиблар ичган сувларим.
Армони йўқ ёзу кишим —
ётиблар ичган сувларим.

Ховучларимда — тогу тош,
ховучларимда — ой, куёш,
Шундан күёшдек балкишим,
ётиблар ичган сувларим.

Конимда минг багбон менинг,
ичган ота, бобом менинг,
Аждодларим хам кечмишим,
ётиблар ичган сувларим.

Мен жон ва тан ўрганишишам,
Сиздан Ватан ўрганишишам,
Шаъну шараф хам олкишим,
ётиблар ичган сувларим.

Кўчатларим бог бўлгуси,
кўксим менинг тог бўлгуси,
Фахрим яна оройишим,
ётиблар ичган сувларим.

Токи хаёт бўлгай хаёт,
шеъру баёт бўлгай хаёт,
Шулдир менинг олий ишим,
ётиблар ичган сувларим.

Жонимни минг тўргай килиб,
мехримни хам улгайтириб,
Пишди менинг дил кишишим,
ётиблар ичган сувларим.

Сиз мен учун — мангу касам,
кўнглим келиб бир чайкасам,
Оlamда колмас ташвишим,
ётиблар ичган сувларим.

2006

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ»ГА

Устоз Гафур Гулом дуоси билан
Парвозин бошлаган уйгок газетам.
Сен борсан — калбимнинг тугроси баланд,
Асло якун топмас менинг касидам.

Элнинг хавотири оғрикларидан
Юпанч, тасаллидай бунёдга келдинг.
Машъум зилзиланинг ёрикларидан
Ок атиргул бўлиб дунёга келдинг.

Ярми вайрон уйнинг эшигин излаб,
Шитирлаб хушхабар келтирган ўзинг.
Жажжи чакалокнинг бешигин сийпаб,
Салкин саболарни елдирган ўзинг.

У пайтлар биз хали ёш бола эдик,
Завку орзуларга лиммо-лим юрак.
Томларда юргурган гуллола эдик,
Гўзал окшомлардан бергансан дарак.

Хали «Махаллада дув-дув гап» — хаёт,
Ўлмас Лутфихоним ая сиймоси.
Шундадир дилларга нур берган баёт,
Шундадир меҳрнинг асл кимёси.

Оддий темирчингнинг оталик тафти
Етгайдир дунёнинг болаларига.
Бунда чизиклари оналар кафтин
Уланган куёшнинг толаларига.

Мен баҳордан колган калдиргоч эдим,
Калдиргоч кайдадир кишлиамоги шарт.

Калдиргоч, айникса ёш шоир бўлса,
Энг аввал «Окшом»да ишламоги шарт!

Тошкент кизларининг кўйлакларида
Бир сатрдан шеърим, шодлигим колган.
Хар бир сахифангнинг йўлакларида
Мухаббатим колган, ёшлигим колган.

Азиз устозларга мен кўйиб ихлос,
Ранжу захматларин кўргандим бунда.
Хаётнинг шафкатсиз кўзларига рост,
Тик караб яшашни ўргандим бунда.

«Мотамсаро она» кошида у кун
Бир кемтиқ нондайин турганларим бор.
Анхор бўйларида ёр суйиб гулгун,
Эрка шоирингдай юрганларим бор.

Бунда хар бир нихол келинчак бўлгай,
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг.
Кўприклар эврилиб келажак бўлгай,
Оlamга оstonam — пойтахтим менинг.

Устувор кўргонсан — чин дўстларингу
Кексаю ёшларнинг тилакларида.
Эзгулик аркасин устунларию
Турналари билан лайлакларида.

Факат кўнгиллардан таралсин ёлкин,
Багринг бутун бўлсин, яро бўлмасин.
Оксарой мисоли мунаvvар колгин,
Окшоминг хеч качон каро бўлмасин.

2006

ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

Ибройим огага

Согинчларин изхоридай
Очилдилар жамоллари,
Гул кизларнинг ифоридай
Эсар Жайхун шамоллари.

Катлам-катлам калб ерлардан,
Калъалардай алп диллардан,

Мухаббат исли эллардан
Эсар Жайхун шамоллари.

Навоийда — “Наҳр ул хаёт”,
Берунийни берган Киёт.
Коракалпокдан то Хирот
Эсар Жайхун шамоллари.

Окар дунё турган кадар,
Бир кафт куми — дур, ганж кадар.
Термиздан то Урганч кадар
Эсар Жайхун шамоллари.

О, она юрт, тупрокларинг,
Термизийлар, Куброларинг —
Мангу уйгок дарёларинг,
Эсар Жайхун шамоллари.

Комилжон хам Отажондир,
Санъат тонги отган жойдир.
Хар сабоси — оханг, жондир,
Эсар Жайхун шамоллари.

Эл-юрт ўсар — диллар ўсар,
Еллар эсар, гуллар ўсар.
Биз кетармиз — йиллар эсар,
Эсар Жайхун шамоллари.

Тинмас умр сафосидай,
Кутлуг хаёт навосидай,
Мангу Ватан хавосидай
Эсар Жайхун шамоллари.

2005

ЯНГИ-ЯНГИ ЙИЛЛАР КЕЛАДИ

Тогларингдан кетмагай корлар,
Юз минг гиёх гуллар бўлади.
Янги-янги келар баҳорлар,
Янги-янги йиллар келади.

Янги-янги уйгок булоклар,
Янги-янги диллар бўлади.
Жилгалардай чопиб, ўйноклаб
Янги-янги йиллар келади.

Гул бозорга ўхшайди хаёт,
Янги-янги гуллар келади.
Бўйингга гул ўлчайди хаёт,
Янги-янги йиллар келади.

Калдиргочлар айвонларингда
Вижир-вижир тиллар бўлади.
Орзиктирган армонларингдай
Янги-янги йиллар келади.

Мухаббатдан факат ёлкинлар,
Мухаббатдан селлар бўлади.
Юракларга солиб тошкинлар
Янги-янги йиллар келади.

Шахарларга ўхшар кўнгиллар,
Кимлар кетар, кимлар келади.
Янги-янги порлок манзиллар,
Янги-янги йиллар келади.
Захматларинг топмагай завол —
Кўприклар хам йўллар бўлади.
Толеингга бахш этиб камол,
Янги-янги йиллар келади.

Улуг бўлар барча инсонлар,
Умр ўтар, умр елади.
Ер юзида колмас ёмонлар,
Янги-янги йиллар келади.

Дунё, сенинг хор зурёдларинг
Буюк-буюк эллар бўлади.
Эзгуликка кайтар отларинг,
Янги-янги йиллар келади.

2005

ХАЁТ КЎЗГУСИ (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига)

Гарчи кўп бўлса-да аймоги, насли,
Бу ёруг дунёда ёлгон оз яшар.
Миллат газетадан бошланар асли,
Газета рост ёэса — миллат рост яшар.
Неча авлодларнинг сабру саботи,
“Ўзбекистон адабиёти...”

Тонг чоги боглик тил, боглик бел билан,
Кетмонни елкага олиб кетган сен.
Каззоб замонларда юпун эл билан,
Сўлгин далаларда захар ютган сен.
Сенда шу тупрокнинг унди фарёди,
“Ўзбекистон адабиёти...”

Кимлар яшар эди халифалардай,
Орол курир эди — чорасиз, абгор.
Багри гижимланган сахифалардай,
Кон ютган муҳаррир, муҳбирларинг бор.
Сенда япроқ ёзди элнинг муроди,
“Ўзбекистон адабиёти...”

Жўр бўлиб гоҳ мумтоз хонандаларга,
Кўнгил торларини чертган навосан.
Очик ойналардай — хондонларга
Уфуриб киргувчи тоза хавосан.
Рух ва кўнгилларнинг савту баёти,
“Ўзбекистон адабиёти...”

Сенда йўргакланди канчалар адиб,
Не-не шоирларнинг тилаги бўлдинг.
Маърифат таркатиб, зиё таркатиб,
Ўзинг хам юртнинг бир бўлаги бўлдинг.
Хазрат Навоийнинг абадий ёди,
“Ўзбекистон адабиёти...”

Келди тошкин солиб охир Хуррият,
Эккан кўчатларинг мангу сўлмагай.
Яшнаб камол топса хар бир хур ният,
Адабиёт ўлмас, санъат ўлмагай.
Она тилимизнинг оби хаёти,
“Ўзбекистон адабиёти...”

Хали Ватан учун керак чинорлар,
Чин калблар, кошу кўз, киприклар керак.
Мухташам сўзлардан тиклаб бинолар,
Шеърлардан йўл билан кўприклар керак.
Сен хам Истиклолнинг уйгок зурёди,
“Ўзбекистон адабиёти...”

2005

БУГДОЙЗОРЛАРИМ

Фермер Гулбахор Муродовага

Бир парча нонига каноат килган,
Бугдой бошогидан синоат килган.
Элим бор, юртим бор — номус, орларим,
Олтин далаларим — бугдойзорларим.

Сахар юлдузлардан такиб маржонлар,
Дашту кирларимда отгайдир тонглар.
Жимиirlаб кетгайдир күнгил торларим,
Жимиirlаб турсалар бугдойзорларим.

Тупрокнинг ишида эрта-индин йўк,
Кишдан гимиirlасанг — ёзда күнглинг тўк.
Яшил, олачалпок, азиз корларим,
Кишка хам кўкламим — бугдойзорларим.

Ердаги донни хам эгилиб тердинг,
Сен буни ризк билан насиба дединг.
Дехконим — захматкаш бургут, сорларим,
Кенг ёйган канотинг — бугдойзорларим.

Эртан хаммаёкни коплар гул, чечак,
Ниш урган хар майса у — бир келажак.
Фермер бўлиб чикса гулбахорларим,
Сиз яшнаб кетгайсиз, бугдойзорларим.

Кўлинг бугдойрангдир, юзинг — бугдойранг,
Пайкаллар кўйнида бу нечук жаранг —
Кулгингдан уйгонди эл, диёрларим,
Янграб силкиндилар бугдойзорларим.

Бу юрт нон ислиидир, бу юрт — бугдойбўй,
Гулбахор, менга хам кўк чойингдан куй!
Ёзилсин дилдаги бор хуморларим,
Менинг акам, синглим — бугдойзорларим.

Бир хас-сомонинг хам жонимга пайванд,
Сен менга онасан, мен сенга — фарзанд.
Мени катта килган чанг-губорларим.
Эй ота маконим, бугдойзорларим.

2005

ТЕМИР ЙЎЛЛАР

Хаёт катта йўлга ўхшайди,
Айланади бир умр йўллар.
Уфкларга умид тўшайди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Кайга элтди пахтаю донин
Шунча йиллар, у темир йиллар?
Юксалтирар ўзбекнинг шонин
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Кўприклар хам дилларга ўхшар,
Эл калбидай дарёлар, кўллар.
Тилакларга, йилларга ўхшар
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Бир зумгина чайкалиб колди
Ота макон — кирларим, чўллар.
Осмонларни ёнига олди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Сизни хасад нечун махв этар,
Кўмир диллар, эх кўмир диллар?
Ниятларни манзилга элтар
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Дунё гоҳо бизга кайрилмай,
Эзгуликни тиллога пуллар.
Ор-номусдай кетар айрилмай
Темир йўллар, бу темир йўллар.
Ким кад тиклаб оламга бокди,
Багри тўла орзулас, гуллар.
Максадларга чечаклар такди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Хар манзил — бир тенгсиз жаҳондир,
Ўтаверар бу умр — йўллар.
Мангуликка кадар равондир
Темир йўллар, бу темир йўллар.

2005

МЕХНАТ

Ердаги хар чумолининг
Сирдошидай ишлаш керак.
Далаларда сингилларнинг

Бардошидай ишлаш керак.
Ишлаш керак, она юртнинг
Куёшидай ишлаш керак.
Хеч бўлмаса шу кўёшнинг
Кардошидай ишлаш керак.
Майсасиyo бошогининг
Тилдошидай ишлаш керак.
Дарёси хам тупрогининг
Дилдошидай ишлаш керак.
Давру замоннинг эркаси,
Хар бир дилбанд — юрт эртаси.
Хар бир фарзанд — юрт эгаси,
Юртбошидай ишлаш керак!

2005

УЛУГРОК ИШ БОРМИ ЭЛНИНГ ТИНЧИДАН

(“Постда” газетасига)

Ёмонлик — ёмонда,
Мехр — дўстдадир.
“Постда” газетаси доим постдадир.
Адолатнинг кўли баланд келса гар,
Разолат доимо тубан, пастдадир.

Бизлар Ватан курдик — муҳташам, кўркам,
Кадду камолингдан айланай, ўлкам.
Хар кизинг синглимдир, хар боланг — укам,
Бари очикчехра хам орастадир.

Бизни бу дунёда кўролмаганлар,
Бир зум ёмонликсиз юролмаганлар,
Умрида бир кўприк куролмаганлар,
Бири — хasad килар, бири касддадир.

Токи фарзандларнинг бедор диллари,
Эзгулик богининг эсад еллари.
Эй сиз, келажакнинг генераллари,
Сизга ким хайрату, ким хавасдадир.

Сўранг хар чўпону хар ўтинчиdan,
Улугрок иш борми элнинг тинчиdan,
Куёш хар тонг берган нур суюнчиdan,
Каранг, кандай жавлон хору хасдадир.

Бир гул япрогига тушса гар титрок,
Шоирнинг калби хам титрагай шу чок,
Сўзлари хам уйгок,
Ўзи хам уйгок,
Шоир хам бир умр асли постдадир.

2005

УНИВЕРСИТЕТ МАДХИЯСИ

Канча улуг зотларнинг мунааввар дарсхонаси,
Хар бир кўхна гиштингда замонлар афсонаси,
Мангулик кўргонида сўнмагай нишонаси,
Уйгонгувчи миллатнинг илму фан кошонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Ўзбекнинг бу дунёда тулпори бор, оти бор,
“Кутадгу билик”лардан бошланган бунёди бор,
Сокин деворларингда алломалар ёди бор,
Садокат пирхонаси, саодат нурхонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Китоблар узра юз минг кечалар кундуз бўлур,
Устозларнинг орзуси — юз минг ўгил-киз бўлур,
Маърифат осмонида бу юз минг юлдуз бўлур,
Ёшлик хам мухаббатнинг туганмас таронаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Илм олмок оламда улуг неъмат, улуг эрк,
Багрингда вижир-вижир калдиргочлар тўлугдек,
Кўrsa хавас киларди ўзи сulton Улугбек,
Неча бир авлодларнинг яркирок пешонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Бир сўз ўрганмок учун кетгай канчалар сабот,
Асли сўнгсиз синовдир, дорилфунундир хаёт.
Сен ўзинг парвоз бергил, сен ўзинг бўлгил канот,
Сендадир камолотнинг юксалур погонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

Бизлар тошкин дарёлар — бир жону тан бўлгаймиз,

Тириклик чечаклари — гул-гул чаман бўлгаймиз,
Улгайиб, камол топиб, буюк Ватан бўлгаймиз,
Истиклол дурдонаси, истикбол остонаси,
Миллий Университет,
Миллий Университет.

2005

ЁШ ШОИРЛАРГА

Бу диёрда тогу тош шоир бўлиб,
Ерга тушгайдир куёш шоир бўлиб.

Ўргатар куйлашни булбул сувлари,
Майса хам тебрайди бош шоир бўлиб.

Бундайин хеч бир диёр оламда йўқ,
Гул билан гул рангталош, шоир бўлиб.

Сиз унинг захматларига дил беринг,
Дардларига елкадош шоир бўлиб.

Дилчирог шоир бўлингу дилкарог,
Кетмангиз хеч дилтарош шоир бўлиб.

Бу жаҳонда коралик бор хам риё,
Сиз яшангиз нурпощ шоир бўлиб.

Шеърият — оташ мухаббатdir, билинг,
Жону багрингиз тутош, шоир бўлиб.

Ўйлабон хам куйлабон корин билан,
Ўтмок хам мумкин ош шоир бўлиб.

Ёр зулфин атридай ёшлик ўтар,
Колмагайсиз хеч ёш шоир бўлиб.

Сиз — элингиз калбининг мирзолари,
Элга сўз айтинг куёш шоир бўлиб.

Тенг бўлингиз ахли олам бирла хам,
Кардош хам дарддош шоир бўлиб.

Улгайнингиз баркамолу безавол,
Юртингизга кўзу кош шоир бўлиб.

2005

ХУШХАБАР

Киш охири, келди хабар:
Сурхонда бодом гуллади,
Ушбу хабардан гам тўла
кўксимдаги жом гуллади.

Олам иморатдир азал,
одам иморатдир азал,
Бу кўхна икки уй аро
девор билан том гуллади.

Хору хаси зар масканим,
эй сен, муаттар масканим,
Хар бир мозоринг ўйласам,
бу тонг нёча ном гуллади.

Гулга тириклик гул учун,
инсон хаёти эл учун,
Шукронга айтгил, сен учун
такрор бу инъом гуллади.

Мен — хам баҳорнинг шоири,
мен — хам баҳорнинг мухбири,
Бир лахзада бир юрт аро
таркаб бу пайғом гуллади.

Бодомгинам, жону дилим,
юртим менинг, кони гулим,
Термизда гар тонг гуллади,
Тошкентда окшом гуллади.

Келди менинг ойчечагим,
балдоклари бойчечагим,
Бўйнидаги холин силаб
ёр зулфида дом гуллади.

Бу хушхабарни шеър килиб
айтиб югурсам шаҳр аро,
Хар бир гуландом гуллади,
хар бир дилором гуллади.

2006.19.02.

ШЕЪР ВА КУРАШ

Устоз Абдулла Орипов ва полвон Абдулла Тангриевга

Шеър аро полвон бўлиш осон эмас,
Шеър факат гул атри ё райхон эмас.

Шеър — серташвиш умрдир, серазоб,
Шеър — заминдир хам, факат осмон эмас.

Мир Алишернинг буюк беш панжаси
Бор хакикатдир, факат достон эмас.

Шоиру шеър — якка, сўз майдонида
Шер билан шер олишур, инсон эмас.

Чин кураш майдонидир асли хаёт,
Бўлмаса полвонлари — майдон эмас.

Бунда хам ранжу алам чекмок керак,
Доимо у чехраси хандон эмас.

Ору номусдан яралган халқмиз,
Ўлдиролур бизни ор, ёлгон эмас.

Дил муроди, эл муроди ўлмагай,
Пахлавон Махмудлари ўлгон эмас.

Барчинойлар бирлан Алпомишлари
Эскидан колган кизу ўглон эмас.

Шаъну шавкат рамзиdir Темур бобо,
Шунчаки сохибкирон хокон эмас.

Шул сабабдан мард Темурзодалар
Пахлавондир аввало, султон эмас.

Жисимиизда кеча-кундуз кайнаган
Ота-боболар гуури, кон эмас.

Енга олмаскан ракибин кимки, ул
Ўзбекистонлик эмас, полвон эмас.

2006

ХХ АСР. КАТАГОН ЙИЛЛАРИ

Бир кунда сотилдилар
Отилмаган шоирлар.
Бир тунда отилдилар
Сотилмаган шоирлар

2006

450 000 ЛОЛА

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган
ўзбек ўғлонлари хотирасига

Ўтар давру давронлар,
Ўтгай алам, гам, нола.
Ёт элларда сочилган
Тўрт юз эллик минг лола.

Тўрт юз эллик минг лола —
Ўзбекнинг болалари.
Бўстонидан айрилган
Гунчаси, лолалари.

Кўз олдингга келтирсанг
Бўйларию кўз-кошин.
Тўрт юз эллик минг лола —
Кўкрагида кўргошин.

Хар кўклам кўкка етар
Тўрт юз эллик минг нолам.
Ёт элларда ётиби
Тўрт юз эллик минг болам.

Ўз кўчамдан хайрлашиб
Кетган чангу губорим.
Менинг тўрт юз эллик минг
Хазон бўлган баҳорим.

Майса коплар кирларни,
Еру осмон нурланар.
Сиз — кетган турналарсиз,
Сиз — кайтмаган турналар.

Хотира майдонида
Тошга айланган тонг бор.
Тўрт юз эллик минг ном бор,
Тўрт юз эллик минг бонг бор.

Ўтар давру давронлар,
Эскирмагай хотира.
Осмондай зангордир у,
Лола янглиг бокира.

Ер юзининг гуллари
Элларнинг ноласидир.
Тўрт юз эллик минг лола —
Ўзбекнинг боласидир.

2005

ФАХРИЙЛАР

Тортган захматингиз юқдир дилларда,
Кўрган умрингиздан хеч тоҳмадингиз.
Ёшлигингиз кечди олов йилларда,
Танклар ёниб кетди,
Сиз ёнмадингиз.

Бугун чой ўрнига хотира дамлаб,
Яшарсиз gox шодон,
Гамгинсиз goxo,
Саксон ёшли ўсмир Матёкуб домла,
Саксон яшар бола Назармат бобо.

9.05.005.

ДЎРМОНДАГИ ХАККУШ

Фасллар кетдилар — ёзу киш, кўклам,
Умрлар ўтдилар — рўёми ё туш.
Факат кимларнидир чакириб, йўклаб,
Бўзлаб колаверди бунда бир хаккуш.

Баъзан ёлгиз кушга ўхшармикан рух,
Ўзининг тилида айлаб гуфторни —
Тунлар зору нолон йўклармикан у
Абдулла Каххор ё Аскад Муҳторни.

2005

УСТОЗЛАР ЁДИ

Букун нолаларим ноламдан ўтди,
Умр когоз билан каламдан ўтди.
Кетди айтилмаган канчалар калом,
Канча шеъру баёт оламдан ўтди.

Ажал ов киларми якка-яккалаб?1
Тўра Сулаймону
Шукур акалар...
Озод домла янглиг сўз кўргонлари
Кетдилар.
Дилларда ёд, армонлари.
Канчу сабру сабот оламдан ўтди.
Гўё Адабиёт оламдан ўтди.

2005

НУКТАИ НАЗАР

Ватан надир —
Шох шоирини
Согинчда йиглатган бир ковунидир.
Шоир кимдир —
Мир Алишер бобонинг
Биринчи ва мангумуловинидир.
Шеър гарчи шоирнинг кўксидаган, ёнган,
Бўгзини куйдирган олов унидир.
Шеърият — гул эмас, чечакмас, асли
Рух ва кўнгилларнинг кир совунидир.

2005

УСТОЗ

Доим янграб турсин шеър ила газал,
Давру замонимдан кайирма, Худо.
Хамма хам яшасин, факат энг аввал
Мени устозимдан айирма, Худо.

Махкам кил эзгулик чегараларин,
Гамга чулгамагин теваракларин.
Асрагин гулдайин невараларин,
Мени устозимдан айирма, Худо.

У дилларда яшар, ўзи — дилпора,

Тогдек улуг, бирок хасдан бечора.
Бу зорим сенга хам етсайди зора,
Мени устозимдан айирма, Худо

Бир буюк, дир дахшат шоирчалар бор,
Бир-бирин ковуриб ейишга тайёр.
Уларга хеч кимни килма гирифтор,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Эсиз шеър ёзолмай юрган пайтларим,
Сувга окиб кетди канча дардларим.
Ўтди не-не дўст-ёр, мард, номардларим,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Хасрат майи тўла бир пиёладир,
Багри кизгиш, юзи саргис лоладир,
Етмиш ёшга бораётган боладир,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Менинг энг бегубор чогларим кетган,
Яшил адирларим, боғларим кетган.
Канчалар сுянган тогларим кетган,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Сўз кадрин, туз кадрин билиб юрдимми?
Бир зум имтихонсиз умр кўрдимми?
Панохингга олгин элим, юртимни,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Одамзот авзойи ўзингга маълум,
Бир умр яшаб хам олмагай таълим.
Отадан сўнг тураг ахир муаллим,
Мени устозимдан айирма, Худо.

2005

ТИРИКТЕПА

Жаноб Като Кюдзога

Сурхон тупрогида бир ёпон бобо,
Ёпон бобоми ё бир чўпон бобо,

Тепаликлар ошар, ўру кир ошар,
Кўхна кўргонларга коришиб яшар.

Хар сопол синигин пулаб, сизлайди,
Неча йиллардир у нени излайди?

Менинг кўнгиротча лафзим англашай,
Термиз десам, дарров таъзим айлашай.

Бу кумлар, калъалар — тиллардир, дейди,
Сопол синиклари — диллардир, дейди.

Айтар: бир бўлгандек эзгу ниятлар,
Асли бир бўлгандир маданиятлар.

Оёк остига хам назар килсинлар:
Бир кум заррасида канча тилсимлар.

Оlamни тенг бўлган, эй соҳиб олам,
Тамаддун олами на гойиб олам?

Канча Искандарлар, Кирлар кўмилмиш,
Бунда минг асрлик сирлар кўмилмиш.

Гарчи Бактрия, гарчи Ёпондир,
Дунё хам аслида эски чопондир.

Тарих тегирмони тўхтамас бирок,
Бобонинг эгни чанг, уст-боши тупрок.

Ўзи хам ер каърин йикиб келгандай,
Далварзинтепадан чикиб келгандай.

Кадим аждодларнинг жисмидай гўё,
Хозир Холчаёндан чикмиш бу бобо.

Тандиркабоб билан уни тўйгиздик,
Оксоколга дўппи, чопон кийгиздик.

Кадду коматию хам кисик кўзи
Худди Жовлимурод бобонинг ўзи.

Бекорчи гапларга хушим йўқ дейди,
Кечиринглар мени, ишим кўп дейди.

Бехаловат бу жон, тинчимас тана
Дўнгликлар кўйнига шўнгийди яна.

Тепалар каъридан ахтарар зиё,

Ўзи хам бир тирик тепадир гўё.

2005

«ИЛТИМОС, СУЯНМАНГИЗ»

Илтимос, суюнмангиз.
Сўзларнинг хурматини
Саклангу сансираманг.
Елкалари ягирир,
Сизмас, унга огирир.
Илтимос, суюнмангиз,
Дунёнгиз хансираган.

Илтимос, суюнмангиз,
отангиз холдан тойган,
У сизни суйиб, суяб
еткизди камолотга.
Бирор зот колмаганда,
одамзот колмаганда,
Мозорларга ёш тўкинг,
суюнманг жаҳолатга.

Ниш чикарган куртаклар
гўраларга айланар,
Бирга ўсган жўралар
тўраларга айланар.
«Дўстлик бору дўстлар йўқ»¹.
Дош беринг, куйинмангиз,
Душманга хам суюнманг,
дўстга хам суюнмангиз.

Йиллар бўяр бошларни
тирикликнинг корига,
Кайгу келса — гам чекманг,
бахтига — суюнмангиз.
Илтимос, суюнмангиз
каллобларнинг зўрига,
Каззобларнинг зарига,
илтимос, суюнмангиз.

Мардлик бору мардлар йўк.
Рост келган оятларда,
Мардларга хам суюнманг,
суюнманг номардларга.

Инсонлари паст кетса
муттахам бу дунёниг
Боборахим Машрабнинг
бир сатрига суянинг.

Разолатнинг кўлини
доллартўра халоллар,
Нокасларда ранг бўлмас
канчалар бўянмангиз.
Менинг гул чаманимга
керак эмас даллоллар,
Илтимос, суямангиз!

Хаёт надир — бир умр
айрилмок хам куйинмок,
Шоҳ Бобур айтгандайин
ўз калбингга суяномок.
Баъзан иши тушмишдир
тўнгизларга туянинг,
Майсаларга суянинг,
кўнгизларга суянинг.

Бу юртнинг кеча-кундуз
далалари бедордир,
Кетмонларга суянган
сингилларингиз бордир.
Курсиларда ястаниб,
ястаниб бўйламангиз,
Сингиллар мөхнатига,
илтимос, суямангиз.

Сизни улгайтиргандир
сувлари, шамоллари,
Унинг ой-куёшлари,
тераклари, толлари.
Захматларин чекмокдан
ор этманг, уялмангиз,
Ватанга таянч бўлинг,
Ватанга суямангиз!

1985-2005 й.й.

* * *

Эй дил, сенинг ёр олдида

оазурда бу холинг надир?
Эй жон, жисм кўргонида
бир кун килу колинг надир?

Ё кисматимга халкадир,
ё хасратимга нуктадир,
Эй ёр, сенинг зулфинг билан
ўйноки бу холинг надир?

Дилдошлигингдан бир сабо,
сирдошлигингдан бир ибо,
Ё ёшлигимдан бир видо —
бўйнингда рўмолинг надир?

Багримда конлиг лолалар,
кўргил, бу аччик нолалар,
Кайдин келур — лаблардаги
канду асал, болинг надир?

Эй одамизот, зорларинг,
савдолару бозорларинг,
Минган бари тулпорларинг,
кўксингдаги ёлинг надир?

Бу дахр аро инсонмисан,
сомонми ёки донмисан,
Мангуми ёки онмисан,
ўнг, туш ва ё фолинг надир?

Фарзандларингга уй бўлур,
сўнг уйларингда тўй бўлур,
Бир кун кетар чогинг колур
терак билан толинг надир?

Солдинг баланд кошоналар,
айвонидан бош айланар,
Бошинг уза тош айланар,
максад ва аъмолинг надир?

Умринг бўйи мол истадинг,
кўргил, на икбол истадинг,
Каддингни хам дол истадинг,
йиккан зару молинг надир?

Келтир букун кўз олдига,
боргунг ахир Ўз олдига,

Энг катта сўнгги ховлида
турганда ахволинг надир?

2006

* * *

Мухаббатли бу окшомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил,
Яна сенга хуш айёмлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Яна гулдан назар келди,
гўзал бир хушхабар келди,
Бинафша бўйли пайгомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Йигитлик бир келар отdir,
бахор хам бир мукофотdir,
Тириклиқдан бу инъомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Изингни юзларидан кўр,
ўзингни кўзларидан кўр,
Бу раънолар, дилоромлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Очиб дилбарлигин дилбар,
кўшиб дилдорлигин дилдор,
Сенга бундок гуландомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Сенинг холингни танг солмиш,
тушиб бўйнига чанг солмиш,
Яна ёр зулфидин домлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Бу — кўнгил бирла гул васли,
бу — дил фасли, кўнгил фасли,
Бу дилбар лоладин жомлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

Тўлиб кўксимга сигмайсан,
келиб бўгзимга сигмайсан,
Яна кўнгил деган номлар
муборак бўлсин, эй кўнгил.

2005

* * *

Гулни дилга бойлаган
ёканг аро жон бермишам,
Дилни гулга бойлаган
ёканг аро жон бермишам.

Икки зулфинг халкасини
сиргаларга чоглабон,
Бир-бирига шайлаган
ёканг аро жон бермишам.

Кокилингдан кизганиб
бир кокилингни, сүнг уни
Сийналарга тайлаган
ёканг аро жон бермишам.

Ушбу холдан завкланиб,
сүнг елкаларни айланиб,
Бир-бирини пойлаган
ёканг аро жон бермишам.

Беркиниб оlamга ўт
солгай ахир бир тола соч,
Оlam ўтин жойлаган
ёканг аро жон бермишам.

Шунча давлат даврасида
шунча давлатдин кечиб,
Ок бўйинни сайлаган
ёканг аро жон бермишам.

Холу зулфинг фитнасиға
фитна бирлан кўшилиб,
Фитнабозлик айлаган
ёканг аро жон бермишам.

2006

* * *

Зулфлариқим икки ёндин таркамиш,

Хар бири бир жон олурга халкамиш.

Ёка остидан кўрингай холлари,
Ё менинг ошиклигимни пайкамиш.

Сочлари тунга каролик ўргатиб,
Ой нурини юзларига чайкамиш.

Мен уни кўкракларимда асрасам,
Ул мени киприкларида сакламиш.

Беллари бордир камишнинг белидай,
Нола килгум мен мисоли найкамиш.

2005

* * *

Менда кўнгил торларию
сенда зулфинг торлари,
Зулфларингнинг торларидан
менга кўнгил дорлари.

Коматингдан зар ёгар,
сийминбадан, атласнигор,
Кўйлагингнинг зарларидан
менда кўнгил зорлари.

Канча дилни зулфларингдан
белларингга ташлагай,
Сочларингнинг белларинг
бирлан бузуг гуфторлари.

Кошларинг ёй тортибон,
киприкларинг тургай катор,
Йўлдан ургай кўзларинг ё —
фитнабоз гаддорлари.

Кадду бастингдан хаётга
канчалар рангу ривож,
Гул бўлиш дарсин олур
сендан гулу гулзорлари.

Кетмагай дилдан баҳору
хам тирикликтан ифор,
Бунча хам дилдор экандир

бу шаҳр дилдорлари.

Сен кадам каклик юришлар
бирла кўйгил жонима,
Гул кадамлардирми нозик
ё кийик рафторлари?

Сержаранг янграр умр хам
икки тор бирлашса гар,
Менда кўнгил торларию
сенда зулфинг торлари.

2005

* * *

Кипригингга кор кўнибdir,
кошларинг устида кор,
Юзларингдан корга хам
не баҳтиёрлик, эй нигор.

Зулфларинг узра илашган
ок хаёлимдир менинг,
Ярми олам ок хаёлдир,
ярми олам ок губор.

Кора холинг узра хам
тушмиш ажиб гулгинаси,
Нукта бирлан нукта гўё
учрашибdir интизор.

Сўйласам киприкларингдан
орамиз йилларчадир,
Ушбу корнинг шархи мен
тортган у хижронларча бор.

Сен кизил гул бирла корнинг
ок харир раксини кўр,
Лабларин очгайми ёр,
ё лабларин ёпгайми ёр.

Икки кумри бир-бирига
мунгаяр шохлар аро,

Иккиси хам икки хижрон,
икки дилдир, икки зор.

Ёр ёрлик килмаса гар,
кетса кордай чарх уриб,
Эй кўнгил, ўксинмагил,
киш ортидан келгай баҳор.

2005

МИР АЛИШЕР НАВОЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўнглим очилиб, ўйлаки орзу била ўйнар,
Кўрганда юзинг, орзуси кайгу била ўйнар,
Кайгуси яна завқ ила туйгу била ўйнар,
Зулфинг очилиб орази дилжў била ўйнар,
Хинду бачае шўхтурур су била ўйнар.

Кечдим шу замон колган умр, бори хавасдин,
Жон куйдию, фарқ колмади дил бирла нафасдин,
Кўнглим отилиб, ишвасидан, чикса кафасдин,
Ул шўх кўнгил лавхин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур, алкиссаки кўзгу била ўйнар.

Юзи ўзидин магруру хам ўзи юзундин,
Киприклиари дарс олган эрур икки кўзундин,
Бир жилваси — минг шеваю афсона хусндин,
Ўйнай-ўйнай bogлади уйкумни фусундин,
То гамзаси ул нарғиси жоду била ўйнар.

Гул хам сени кўрганда чаман ичра уёлиб,
Колгайму лабинг олдида конига бўёлиб,
Каддинг била катлинг манга гоятки муносиб,
Тонг йўкки кўнгил бўлса кўзунг бирла мулоиб,
Мажнунга ажаб йўқ агар оху била ўйнар.

Сочлар туну, юз — ойми, куёш — анвар ичинда,
Зулфлар ичиди бўйунларинг анбар ичинда,
Бўйнунгга бокиб ўлсам агар гамлар ичинда,
Бир лўлийи бозигар эрур чанбар ичинда,
Холингким ўшал халқаи гесу била ўйнар.

Дунё ишида бордир азал икки тарафким,
Ул меҳру муҳаббатдир, бири — қаҳру газабким,
Агёр била дўст кулса агар, килма сабабким,
Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд килур вактида тулку била ўйнар.

Бу меҳру вафо олам аро кўхна гурунгким,
Кўнгил тилаган хамдаму ёр бирла юрунгким,
Бу умр йўлин сидку сахо сори бурунгким,
Муг дайрида маст ўлса Навоийни қўрунгким,
Бир олма киби гунбади мину била ўйнар.

2005

* * *

Ўлтирас бўлса ёнимда
нозаниним соч тараб,
Ёнида мен ўлтиромасман
унга бефарқ караб.

Кўлларим хам ул томон
боргайверар тинч турмайин,
Гоҳи сочин ўйнагайлар,
гоҳида зулфин бураб.

Зулфларини кошларига
келтириблар ўйнасанам,
Кўзлари ўйнаб кетар
ёлгондакам катлим тилаб.

Кўлларимга урса гар,
мен белларидан ушлагум,
Саклагим келгай кучогимда
кийикдай эркалаб.

Чимчилаб олсан лабидин
икки бармогим билан,
Вах, нечук титроклари бор,
ваҳ, нечук лабдир бу лаб!

Сен гули раъно десам мен,
сен ўзинг танҳо десам,

Бўйнида холи кўрингай
ногаҳон божин сўраб.

Кечалар ойсан дебон ухлатмасам,
кун бермагум
Сен куёшимсан дея
уйкуларида эрталаб.

Хушкиликлардан гўзалдир
икки кўнгил, бир хаёт,
“Дилбарим нозикмижозу
мен багоят беадаб”.1

2005

НАСТАРИН СЕВГИ

Икки кўнгил, икки дил осмон эди,
Икки сохил, икки йўл бир ён эди.
Иккимизга осмон айвон эди,
Ёр, ширин кулганларинг ёдимдадир.
Ёширин келганларинг ёдимдадир.

Тун ароким сирли сой бўлганларинг,
Зулф очиб, тунга чирой бўлганларинг.
Кўксим осмонида ой бўлганларинг,
Ёр, ширин кулганларинг ёдимдадир,
Ёширин келганларинг ёдимдадир.

Очилиб бог ичра бир бог настарин,
Иккин кўнгил — икки киргок настарин.
Севгимиизда энг гўзал чог — настарин,
Ёр, ширин кулганларинг ёдимдадир,
Ёширин келганларинг ёдимдадир.

Севгисиз ном, севгисиз ёд бўлмагай,
Ишк ўтидин бехабарлар билмагай.
Бундайин шому сахарлар келмагай,
Ёр, ширин кулганларинг ёдимдадир,
Ёширин келганларинг ёдимдадир.

Тушда хам гул, хушда хам ўнгимда гул,
Тўлгонодир бир кучок кўйнимда гул.

Бир умр кетсанг колиб бўйнимда гул,
Ёр, ширин кулганларинг ёдимдадир,
Ёширин келганларинг ёдимдадир.

2005

* * *

Гулсанамнинг гул бўлиб турмоклари,
Гулни лаб бирлан суйиб, кулмоклари.

Лаблар узра гулмидир ё гулми лаб,
Лабми ё гул ичра гул япроклари?

Чехраси сутга чайилмиш ёки сут?
Кўкдаги ой хам унинг каймоклари.

Зулфлари гул ёкасига чанг солиб,
Иzlаридан ўт ёкар балдоклари.

Порлаган осмонда юлдузлар эмас,
Кўзларининг бор уруг-аймоклари.

Гулни кониданми олмишларми ранг,
Дил кониданми хино тирноклари?

Беллари гул дастасининг белидай,
Юрса гар — гулдастанинг юрмоклари.

Енгларин хам инжа гулзор айламиш,
Енгмидир бу ё дилим киргоклари?

Кўйнима титратма солди бир кеча,
Кетмагай жондан сира титроклари.

2005

СЕВИШГАНЛАР□ ГАЗАЛИ

Тўлин бўлмиш тўлин ойинг
келинчаклик либосида,
Сенинг баҳтинг, сенинг таҳтинг
унинг нозу ибосида.

Фалак оина тутмишдир,
бу кеч мохин унутмишдир,
Ул ой ёнингга тушмишдир
хама нуру зиёсида.

Сенинг Ер бирла Осмонинг,
йигитлик — давру давронинг,
Сенинг бор орзу армонинг
унинг зулфи сабосида.

Хаёт бор то садокат бор,
нафосат бор, латофат бор,
Кара, канча назокат бор
кўзу коши каросида.

Бу ок тушдай хуш айёмлар,
бу оккушдай хуш окшомлар,
Кўнгиллар ишқ тўла жомлар
кўнгил базми сафосида.

Азал дил ранги гулрангдир,
газал, куй ранги дилрангдир,
Шунинг-чун рангли охангдир
мухаббатнинг навосида.

Етишган дилбаринг тенгсиз,
дуринг хам гавхаринг тенгсиз,
Зиёлар сўнмасин харгиз
хаётингиз хавосида.

Юраклар янги колгайдир,
умрда ранги колгайдир,
Мухаббат мангу колгайдир
ики дилнинг вафосида.

2005

МЕНИНГ ШАЙДОЛИГИМ

Ошик укам Шерзодга

Менинг шайдолигим, дўстлар,
ўшал Тошкан кизидандир,
Гахи шошган, гахи дарё
бўлиб тошган кизидандир.

Юзи офтобу ойидан,
кўзи хам юлдузидандир,
Сочи бирлан жамоли
кеча бирлан кундузидандир,
У бир жайрон, дилим жайрон
мисол доим изидандир.

Нечун махзун, нечун мажнун,
не янглиг андалиб бўлдим?
Ўзим дил конима, дўстлар,
бутунлай рангланиб бўлдим.
Бу шаҳр ичра санамлардин
деярли алданиб бўлдим,
Дилим кони хиноси хам
лабининг кирмизидандир,
Умидим лек хамон
киприклари бирлан кўзидандир.

Сиз, эй феруза айвонлар,
бокиб ёнгил кулинг менга,
Сен, эй хилват хиёбоним,
хазонинг хам гулинг менга,
Сиз, эй фавворалар, энди
кайнисингил бўлинг менга,
Севилмак гул фаслдантир —
ўгилдантир, кизидандир,
Етишса хар ким ўн етти
ва ё ўн сакқизидандир.

Сахарлар охи, булбул
жилгаларнинг ноласиман мен,
Ки хижрон даштининг ёлгиз
сариг бир лоласиман мен,
Бу дунёда мухаббатнинг
мусофир боласиман мен,
Бу савдолар йигитликнинг
бахори ё кузидандир,
Ўтолмасман кўнгилнинг хам
ўзидан ё юзидандир.

2005

“ЁШЛИК”ДАГИ СУРАТИМГА

Бу бир даврон экан, дўстлар,

билинмай ўтдию кетди,
Бахорим лолазор кирда
ялинмай кутдию кетди.
Ажиб оккуш экан ёшлиқ,
хали ёр зулфидан тутмай,
Баногох патларини
кўлларимга тутдию кетди.

2004

ЎН САККИЗ ЙИЛДАН КЕЙИН

Гул юзинг, гул коматинг,
гулгунча япрогинг кани?
Гул уза шабнамдайин
жон ичра титрогинг кани?
Ўтди ўн саккиз бахору
ўн саккиз минг бобон,
Эй гуландом, ўн саккиз
ёшингдаги богинг кани?

2006

ФИЛФАКНИНГ ХИЛОЛАСИ

Елкангда шамоллару
Сочларнинг шалоласи.
Кайга шошаётирсан,
Филфакнинг Хилоласи?

Кошу кўзинг, юзларинг
Балогат сулоласи.
Кайга шошаётирсан,
Филфакнинг Хилоласи?

Достон аро сахрова
Мажнун бўзлар: о, Лайли!
Филфакнинг Хилоласи,
Лайли сенми ё Лайли?

Ойлар ўтар онлардай,
Бахору ёз киш бўлар.
Сенинг хижрон дарсида
Бахоларинг “беш” бўлар.

Азал кийин савдодир

Бир сочу дил толаси.
Неларни ўйлаб колдинг,
Филфакнинг Хилоласи?

Бу дунёда чин гулга
Чин бахту чин илхак йўк.
Уйгонасан бир тунда:
Филфак кани? Филфак йўк!

Атиргулларда — шабнам,
Хаёт ранглар алмашар.
Киприкларинг нечун нам —
Тушунмайди олмошлар!

1982

СУКРОТ АЙТАДИКИ...

Сукрот айтадики: — Бино бўлурсан,
Дунёга кўшилиб дунё бўлурсан.
Ўсиб, камол топиб, вояга етиб,
Бир йигит бўлурсан — барно бўлурсан.
Бир гўзал, нозанин кизга уйланиб,
Балки саодатда танҳо бўлурсан.
Гам чекма, хотининг ёмон чикса гар —
Файласуф бўлурсан, доно бўлурсан.

2006

* * *

Ёшлигинг бир-бир ўтиб бормокдадир,
Не сехр, не сир — ўтиб бормокдадир.

Вола, зор дилдирми ёки нолазор?
Лолазор кирдир, ўтиб бормокдадир.

Ерда — ёрнинг кошлари, кўкда — хилол,
Мисли уч шамшир ўтиб бормокдадир.

Ёр хам жайрон мисол жавлон килар,
Кил бирор тадбир, ўтиб бормокдадир.

Зулфлари, кокиллари айлар шитоб,
Бу катор занжир ўтиб бормокдадир.

Кетди сувда кўлларингдан гул тушиб,
Бул нечук тасвир — ўтиб бормоқдадир?

Тонгмидир бу ёки окшом юлдузи?
Барчаси бирдир — ўтиб бормоқдадир.

Мавжмидир, дарёми, сохил ё шамол,
Бори кўнгилдир — ўтиб бормоқдадир.

Неки йиллар интизор этмиш сени,
Оку корамтири ўтиб бормоқдадир.

Ўйлаким, ёшлик эмас, умринг аро
Ранг-баранг такдир ўтиб бормоқдадир.

2005

МЕНИНГ ХОЛИМНИ...

Менинг холимни дил жомларга айтар,
Улар хам турфа хайёмларга айтар.
Гуландомимга айтсам дил сиримни,
Гуландомим гуландомларга айтар.

2006

ЁРНИНГ ОЙНАСИ

Ойнангда хонанг кўринди,
Хонангда ойнанг кўринди.
Мен сени кўрай девдим, ёр,
Ойнангда онанг кўринди.

2004

* * *

Коши каролар, кўзи каролар,
Солди бошимга жабру жафолар.

Кошлар киличдир, коматлари хам,
Жону дилимда шундан яролар.

Кўз бунчалар хам каро бўлурми,

Кўзданми шунча мотамсаролар?

Лабларда ранги, зулфларда жанги,
Рангларми ёки рангин балолар?

Кўйлаклари гул — куйдиргусидур,
Ўлдиргусидур бундан саболар.

Элдан нихон бир кантарлари бор,
Оlamни бузган кўш можаролар.

Фасли баҳордай — кайдин келодир,
Кайга кетодир бу дилраболар?

Кўкларга бир кун учгайсан, эй жон,
Зангор хаволар, мовий самолар.

Сендин сўрсалар, олдилар, деб айт,
Коши каролар, кўзи каролар.

2005

* * *

Эй лоларухлар, сизгадир
кўнгил тилакларим,
Кўклам лола тутар, нечун
кондир юракларим?

Ўтар баҳору севгию
йигитлик палласи,
Кетмок учун очилмишларму
гул чечакларим?

Кетган — ишку мухаббату
хам шу баҳор кадар —
Бинафша лолалар эмас,
кўнгил бўлакларим.

Уммидларимни ун килиб,
бошимга сепди сўнг,
“Чамбарларидан айлади
гардун элакларим”1.

Япрокларинг ёмгирмидир,
эй настарин гулим,

Ё ёшлигимга йиглади
кеча фалакларим?

Кўнгил изидан дахр аро
кетдимки шунчалар —
Мажнун хам топгаймикин
излаб даракларим.

Тонг чоги бир насим ўйнаб
келтирди хуш ифор,
Шоядки ул ёр зулфига
бордир керакларим.

Бу бог аро орастаю
озода колгайсиз,
Эй лоларухлар, сизгадир
кўнгил тилакларим.

2005

БИТТА ДИЛДОШ БИЛСА БАС
(Олдинги китоблардан)

ШУКУХ

Кай бир ошик дилдан эпкин елдими:
“Онажон, билмадим, Наврўз келдими?”

Ёруг ниятларнинг амалими бу?
Ёки тирикликтиннинг самарими бу?

Кўзимга кўз суртар малоҳат тенгсиз,
Онажон, бу олам бунчалар чексиз!

Тилагим гул бўлар каерлардадир,
Юрагим бу кунлар сайрлардадир.

Неки армон бордир, неки орзу бор,
Умидлар дунёсин неки арзи бор —

Бари яқдил бўлиб туюлар менга,
Ажиб такдир бўлиб туюлар менга.

1985

* * *

Хасрат ўчогида ўтинман, ёмгир,
Кисмат киргогида тутунман, ёмгир.
Бунчалар мулойим, илик ёгурсан,
Онам йигладими бу тун хам, ёмгир?

* * *

Уфклар, кирлару осмонгача кор,
Тошкентдан Термизу Сурхонгача кор.
Она, бул согинчни кандок ёзайин,
Ўртамиизда чексиз оппок варак бор.

* * *

Ёмгиrlар йиглашиб сел бўлди, она,
Согинчлар бирлашиб йил бўлди, она.
Тўпланиб-тўпланиб барча оғриклар
Менинг кўкрагимда дил бўлди, она.

1995-2000

ОНАМНИНГ КАЛИШЛАРИ

Бунча хам каттиқ экан
Кисматнинг болишлари.
Кўз олдимдан кетмас хеч
Онамнинг калишлари.

Улар остонасида
Турап бир жуфт абгордай.
Кўзимга бутун дунё
Кўринади айбдордай.

Яшайдирман гарчи кўл,
Юзларини согиниб.
Калишлари дахлизда
Тураверар оғриниб.

Дардимни яширгайман
Онам холим сўрганда.
Калишлари валекин
Барин билиб тургандай.

Гарчи тилсиз, забонсиз,
Хомуш, беозордайлар.
Бор дарду хижронимдан

Улар хабардордайлар.

Онамнинг кўзёшидан
Бўлса болишлари нам.
Назаримда кечалар
Йиглар калишлари хам.

Улар хам гўё мени
Ўртаниб ўйлагайлар.
Бахту бахтсизлигимдан
Киссалар сўйлагайлар.

Согинчнинг деворлари
Ёмгириларда емрилган.
Улар хам онам каби
Йўлларимга төрмулган.

Мол йигмадим мен, аммо
Сув сўрганга сой бердим.
Бир кўнглим бор эди, лек
Мен уни хам бой бердим.

Бу дунёда нихоят
Бир хикматни илгадим.
Калишларни юзимга
Босиб, келар йиглагим.

Онамнинг калишлари...
Бир умрлик карзимдай.
Патакларин кўзимга
Суртиб ўлсан арзигай.

1999

ХАЁТ КЎШИГИ

Кимлар алвон кийдилар,
Кимлар армон кийдилар.
Кимда бору кимлар зор,
Буни хаёт дейдилар.

Кимлар гул деб суйдилар,
Кимлар тушга йўйдилар.
Оку кора ранглари,

Буни хаёт дейдилар.

Кимлар ёнмай куйдилар,
Кимлар конмай тўйдилар.
Ким бемору ким безор,
Буни хаёт дейдилар.

Гулларини жийдалар
Кўзёшингга чайдилар.
Бунча азиз ислари,
Буни хаёт дейдилар.

Канду новвот дейдилар,
Лек ичларин ейдилар,
Кўролмайин ким-кимни,
Буни хаёт дейдилар.

Яна эсиб келдилар
Шамолларинг — дайдилар.
Кимлар бору кимлар йўқ,
Буни хаёт дейдилар.

Бўлса хамки бедиллар,
Баланд яшанг, эй диллар.
Канотлари кайрилмас,
Буни хаёт дейдилар.

2001

ВАТАН

Дил пораси, кўз кораси
сен ўзингдирсан,
Менинг кўнглим сен аслида,
сен кўзимдирсан.
Томиримда томир ёйган
илк сўзимдирсан,
Илк оғригим, илк ёмгириим,
найсоним, Ватан.

Кир устида ёнбошлаган
бобом чайласи
Бу дунёда кимларнингдир
орзу-хаваси.
Димогимда — юлдуз иси,
шабнамлар иси,

Момом экиб кетган кашнич,
райхоним, Ватан.

Кулок солсам шивирлагай
хатто тошларинг,
Ою куёш, камалаклар
кўзу кошларинг.
Бешигимни тебратгандир
калдиргочларинг,
Ою куёш кўрпа солган
айвоним, Ватан.

Бўронлари тулпорларга
тунлар ёл бўлган,
Бир ўглони чинор, бири
мажнунтол бўлган.
Темурлари отдан тушмай
жахон лол бўлган,
Жахонларга тўлуг
шоху султоним, Ватан.

Валилардан ибрат сўйлар
жулдур сахролар,
Сўнди канча салтанатлар,
канча тугролар.

Макбаралар айтсин лекин,
айтсин Зухролар:
Ер остидан сухбат айлар
хануз Кубролар,
Термизийлар бедор ётган
кўргоним, Ватан.

Не тонг эди — изгириналар
захрини тотдинг,
Дастурхонда музтар колди
канду наботинг.
Шахидларнинг рухларидир
хар бир работинг,
Абадий ёд эрур асли
адабиётинг,
Чўлпон, Фитрат, Кодирий хам
Усмоним, Ватан.

Мен дунёни не деб айтай?
Бу бир кўхна бог,

Үз билганин сайрап бунда
хар кумри, хар зог.
Асло сенинг багирларинг
кўрмайин мен дод,
Юлдузларга осмон бўлган
эй нурли тупрок,
Осмонлари еру ери
осмоним, Ватан.

Сўкмогингда мен бир эпкин
ё бир насимман,
Япроқ сенинг, хас бўлсан гар
сенинг хасингман.
Жайронларинг кўзларида
колар сўзингман,
Менинг борим сен биландир,
йўғим сен билан,
Катта йўлга чиккан улуг
карвоним, Ватан.

1994

БАГИШЛОВ

Куёшу ой кеча-кундуз
азал посбони бўлган юрт,
Гўзал Чўлпонларию хам
гўзал осмони бўлган юрт,
Сен, эй, шаъни баланду хам
баланд айвони бўлган юрт,
Тикилсам гар, севинчдандир,
кўзимдан кетмагай намлар.

Сени мен хасларингдан,
сасларингдан ўрганиб ўсдим,
Чинорлардай сабогинг,
дарсларингдан ўрганиб ўсдим,
Бешикдан мен сенинг
хикматларингга бурканиб ўсдим,
Дилимда Яссавийлар,
Термизийлар ёқдилар шамлар.

Азиз сингилларим янглиг
нихолинг, толларинг ўпсам,
Гулу гулшанлар ичра гул,
гул ичра холларинг ўпсам,

Дилу дилбандларинг айтсам,
асал хам болларинг ўпсам,
Менга шул анжуман басдир,
на даркор ўзга хамдамлар.

Жаҳон ичра гараз кўпдир,
галат иш кўпу гулгул кўп,
Ватан танҳо бўлур, гарчи
жаҳонда шоҳу дулдул кўп,
Бу гулшанга бизим янглиг
келиб кетгувчи булбул кўп,
Ватан, сен мангу бўстонсан,
баётим — сенга шабнамлар.

Саломат бўл, чекан жабру
гаму оғрикларинг етгай,
Кўлинг етгай жаҳонларга,
кошу киприкларинг етгай,
Ўгил хам кизларинг етгай,
йўлу кўприкларинг етгай,
Тилай сенга саодатлар,
хуш айём, мангу байрамлар.

2000

АЗИМ ЧИНОР

Ўзбекистон Каҳрамони Иброҳим Файзуллаевга

Хар кандайин ўсмирнинг орзу-нияти
Улгайсам дер, мен хам бир кун мўйлаб кўйсам.
Сизда азим чинорларнинг салобати,
Бургутларнинг хайбати бор ўйлаб кўрсам.

Умрларнинг китобида хар варакдан
Термулгайдир канча зору маъюс бобо.
Шеър ўқисам мухаббату ёшлик хақда,
Кўзларингиз намланди-ку, раис бобо!

Чинорларнинг шивирлари бодларимда,
Мен бу кутлуг манзиллардан наво олдим.
Фаҳр этгум, айни йигит чоғларимда
Сиздай улуг чинордан хам дуо олдим.

Инсонлар бор, бир дилга хам колдирмай из,
Ўзларига каср курган, кўргон курган.

Сиз бир оддий темирчининг фарзандисиз,
Ёшлигидан ўзин ўтга, чўкка урган.

Ўтмаса гар эзгуликка хизмат айлаб,
Кимга, нега кераги бор жон ва таннинг?
Сиздай багри бутун, окил зотлар сабаб
Багри бутун бўлгай доим бул Ватанинг.

Чертиб кўрсам ўз кўнглимнинг торларини,
Сухан бошлар канча зору маъюс бобо.
Сочларингиз Сангардакнинг корларими,
Умрингизга умр берсин, раис бобо!

Шукронা бор хар нафас, хар сўзингизда,
Бўлмаса бу шону шараф, обрў кайдан?
Омон бўлсин тогдай баланд кўксингизга
Энг мўътабар юлдузини таккан Ватан!

1997

ПОЛВОН

Укам Алпомишга

Чўккилардан викор кетмас, кор кетмас,
Коялардан кийгир кетмас, сор кетмас.
Бир боласи ўсиб, полвон бўлгунча
Бир отадан захмат кетмас, кор кетмас.

Кай ул кунким кадам босди эрлари,
Гурсиллади ногох Сурхон ерлари.
Тўйларида хизмат айлаб, Шерали
Хофизларнинг кўлларидан тор кетмас.

Тупрогида дарёлари кўш оккан,
Бошларидан зар ёккан, кумуш ёккан.
Азал Темур буваларга хуш ёккан
Полвонларнинг юрагидан ор кетмас.

Букун завку гурурларга тўлсангиз,
Алпомишга хайкал кўймок бўлсангиз,
Шу полвоннинг бўй-бастидан ўлчангиз,
Излаб келса тулпор Бойчибор кетмас.

Такдир, унинг изларини бор килгин,
Ойбарчиндай бир сулувга ёр килгин,
Уйларини бешикларга тор килгин,

Бу уйлардан ифор кетмас, ёр кетмас.

Бориб полвон ўглонлари элимдан,
Шараф топиб кайтса етти иклидан,
Кўзда ёшим, менинг шоир дилидан
Бир умрга фахру ифтихор кетмас.

1998

БИР ФАРЗАНД ЎСТИРГАНИНГ...

Сен ёлгиз эмасдирсан,
Бу дунёда миннат бор.
Хар инсон боласининг
манглайида бир хат бор.
Яхшилик хам туганмас,
ёмонлик хам факат бор.
Ва лекин бир гул диёр
куй-газал, булбул диёр —
Унда битмас мухаббат,
унда меҳру шафкат бор.

Куёш хам Мехр ахир,
оламда айлангайдир.
Мехрсиз жойда умр
мотамга айлангайдир.
Кўнглинг очсанг майса хам
болангга айлангайдир.
Бошинг узра Ватанинг
Онангга айлангайдир.
Бир кун бу полапонлар
одамга айлангайдир.
Эл номин осмон этиб,
оламга айлангайдир.

О, хаёт кўчаларинг,
гунча хам гулчаларинг!
Мехрибонлик уйида
мен кўрдим кўлчаларинг,
Бўстонимда саф тортиб,
очилгувчи гулларим.
Болам десам, хар доим
жимирилаган дилларим.
Менинг бедор маконим,
чарогон манзилларим.
Бийрон тилим ўзингиз,

менинг уйгок йилларим.
Сиз менинг жахонларга
элтар кўприк, йўлларим.

Кора кош хам кора кўз
канча бола бу юртда.
Тириклик чечаклари,
гул хам лола бу юртда,
Ой-куёш хам бир тўхтаб
ўйлар: колай бу юртда.
Сувларидан, куй бериб,
куйлар олай бу юртда.
Юртим десам, онам у,
онам десам, бу — юрт-да.

Сен ёлгиз эмассан, юрт,
мехрдир дўст тутганинг.
Захматларни жим торта,
дунёга кўз тутганинг.
Улугларинг хокини
кўзларингга суртганинг.
Бир фарзанд ўстирганинг —
бир Ватан ўстирганинг.
Бир ўглон ўстирганинг —
бир кўргон ўстирганинг.

2004

ВАТАН КЎШИГИ

Шохжахон ва Зохиршохга

Мен Ватанни севаман,
Танда жонимдир Ватан.
Юлдузлари кўзимдир,
Осмонимдир Ватан.

Киприкларим вараклар,
Ой сахфалар чараклар.
Тошлиари хам яраклар,
Нур баёнимдир Ватан.

Мендан ёш, лекин кутлуг

Етти пуштимдан улуг,
Багри хикматга тўлуг,
Дур маконимдир Ватан.

Тоги — Бухорий бобом,
Боги баҳорий бобом.
Темур — суворий бобом,
Шохжахонимдир Ватан.

Накшин ниғор бешигим,
Куёш очган эшигим.
Отам айтган кўшигим,
Жонажонимдир Ватан.

Менда кўпдир хур ният,
Энг азизи — Хуррият.
Шарафинг — абадият
Шараф-шонимдир, Ватан.

Доим ёргудир йўлим,
Бу шеърни айтди кўнглим.
Ватан — Шукрона синглим,
Онажонимдир Ватан.

1997

МИР АЛИШЕР

Тирикликнинг бонги Навоий,
Буюкликнинг ранги Навоий.

Бир ёришди зим-зиё олам,
Туркийларнинг тонги Навоий.

Беш асрлик рўёдир дунё,
Беш асрлик ўнги Навоий.

Бир уммонким, ибтидоси йўқ,
Йўқдир унинг сўнги — Навоий.

Ўтган сайин илдамлаб кетгай,
Борган сайин янги Навоий.

Ватан каби поёни йўқдир,
Ватан каби мангу Навоий.

2000

НАВОИЙНИ ЎКИШ

Хар бир калла,
Хар бир бош
Жаҳолатдан кўркиши керак.
Хар бир бола,
Хар бир ёш
Навоийни ўкиши керак.

Хар бир ота,
Хар бир мўйсафид
Умр хикматларин кўрсатиб,
Нафс арконларин киркиши керак,
Фарзандлари, набирасига
Навоийни ўкиши керак.

Бир болага — бутун мамлакат,
Баъзан эса кирк киши керак.
Бешиклардан тушиб болалар
Навоийни ўкиши керак.

Сиз дейсиз: Йўл топиши керак,
Уй куриб, пул топиши керак,
Йўқ-йўқ, у ор килиши керак,
Навоийни ўкиши керак!

Самарканду Бухоро, Термиз
Тўйларида барчамиз жаммиз.
Бизлар ахир кимлардан каммиз?!
Элга олам олкиши керак,
Оlamга тик бокиши керак,
Навоийни ўкиши керак!
Берунийлар, ибн Синолар,
Улугбеклар, Бобур Мирзолар
Куриб кетмиш кандай бинолар!
Ёш кўнгиллар калкиши керак,
Навоийни ўкиши керак!

Ватан азал битта Ватандир,
У биз учун сўлмас чамандир.
Шул сабабдан бола чоғлардан,
Майса чоғлар, лола чоғлардан
Ўзни уриб, юлкиши керак,
Навоийни ўкиши керак,

Дилга недир юкиши керак!

2002

ШОИР БҮЛАМАН ДЕБ КЕЛГАН БОЛАЛАР

Дашту далаларда унган лолалар,
Яшил кирлардаги шабнам, жолалар.
Тогларда яралган соф шалолалар —
Шоир бўламан деб келган болалар.

Оlamча аламни баҳт этгудайин,
Гулу чечаклардан таҳт этгудайин,
Дунёни шеър билан забт этгудайин,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Тиник булоклардай пок бўлар бари,
Орзулари мўлу йўқ хунарлари,
Мовий осмонларнинг ок турналари —
Шоир бўламан деб келган болалар.

Шаркираб оккувчи тоза ирмоклар,
Хали гард кўнмаган майса, япроклар,
Ўн етти, ўн саккиз ёшли чакмоклар —
Шоир бўламан деб келган болалар.

Гўё ёлкинланган олов уюрлар,
Ох, улар бегараз, бекин куюрлар,
Гулдайин кизларни танлаб суюрлар
Шоир бўламан деб келган болалар.

Кейин йиллар ўтар вараклар бўлиб,
Бир дараҳтдан кўчган япроклар бўлиб,
Кетгайлар хар ёнга тўзгиб, таркалиб,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Энди синовларин бошлагай хаёт,
Энди тоблангуси бардош ва сабот,
Абдулла Орифни ёд билган авлод,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Неки бор, кисматнинг хукмига кўра
Рўй берар: бирлари амалдор, тўра,
Бирлари хали хам пишмаган гўра,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Бирларин кўксига ин куриб хасад,
Кўнгил гунчаларин сўлдирап абад.
Юз жилд севинч эди, эх, юз жилд хайрат,
Шоир бўламан деб келган болалар!

Бирлари бек бўлиб майхоналарга,
Яна хайрон бокар хайроналарга,
Айлансалар экан тароналарга,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Менинг бу хаётдан кўпdir карзларим,
Ўзим не йўкотиб, нени асрадим?
Эсиз, сиз-ла кечган гулгун пайтларим,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Хар бир сатр узра алвидо айта,
Дафтар очгандингиз у ёшлиқ пайтда.
У шараф кайда, у шеърият кайда,
Шоир бўламан деб келган болалар?

Шунча соф жилгадан исмсиз, иссиз,
Колмиш йиллар ўтиб бир ё иккиси,
Кани у чаманзор кунларнинг иси,
Шоир бўламан деб келган болалар?

Фалак айланади хам давру замон,
Такдир саралайди бизни беомон.
Шеъру кўшикларсиз колмагай жаҳон,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Бир тонг поездлардан тушар кўп гуллар,
Жилгалар, гиёхлар, насимлар, еллар,
Уларни асрагил, эй такдир, улар —
Шоир бўламан деб келган болалар.

1998

СОВГА

Дунёнинг ярмиси — нур ва зиёдан,
Ярми — ёзув-чизув, ярмиси — гавго.
Калам келтирдингиз Ёпониёдан,
Дедингиз: Бу мендан сизларга совга.

Олам мусофиirlар билан бедордир,
Сайёхлар ичра хам сиз мулло, ака.

Дунёning энг гўзал кисми дийдордир,
Дийдор кутлуг бўлсин, Абдулло ака!

Бундай пайт кўргали дўсту ёрон хам
Ўгиллари келгай, кизлари келгай.
Сиздан, кучок очиб пешвоз олган дам,
Япон ёмгириларин ислари келгай.

Биз-чи, биз каламни чўнтакка урдик,
Гўё бўй кўшилди кад, бўйимизга.
Олис эллар хакда сухбатлар курдик,
Сўнгра таркаб кетдик уй-уйимизга.

Шоирлик нимадир?
Дард билан хижрон.
Калам хам бир нени илгаса керак.
Биз ухлаб колганда, тунлари пинхон
Билдиримай японча йигласа керак.

2003

НАВРЎЗ КЎШИГИ

Фалак бизни балолардан асрадими?
Юлдузлардан бойчечаклар сачрадими?
Бир куртакка алмашдим бор хасратимни,
Оlam эски, лекин ўнгу сўлим янги.

Осмон бўлди бир кечада хоргин багрим,
Тўй бошлади чакинларим, ёмгириларим,
Гўё хозир япроқ ёзар томирларим,
Гўё эски калам тутган кўлим янги.

Ойларга хам алишмасман юзларини,
Каранг Кўкон, каранг Сурхон кизларини.
Зулфларию райхонларнинг исларини
Олиб келган эпкинларим, елим янги.

Эй кўхна бог, кўпdir чеккан азиятинг,
Куриган шоҳ дилда сенинг васиятинг,
Эй сарик барг, кулогимда насиҳатинг,
Бу йил энди менинг гулзор, гулим янги.

Хар кўнгилга бир янги куй, кўшик берсин,
Имон, инсоф, диёнатни кўшиб берсин.
Хар бир уйга энг аввал бир бёшик берсин,

Хеч бир уйга кўрсатмасин ўлим янги.

Бормокдасиз гарчи Хинду Хитойларга,
Умид айланг ўз ерингиз, Худойларга,
Үйларингиз тўлсин бу йил бугдойларга,
Гимирлаган элим, дашту чўлим янги.

Лолалардан гар айтмадим, кир айтади,
Колганларин само айтар, ер айтади.
Кўнглим очсан, хар гиёх бир шеър айтади,
Ростин айтсан, кўксимдаги дилим янги.

1995

ДАШНОБОД АНОРИГА

Сехрсиз сохиллардан,
Мехрсиз манзиллардан
Ўтиб келдим, сен мени
Унутдингми, анорим?

Багри доим конгинам,
Мискин, паришонгинам,
Анор бўлиб сен фактат
Мунг ютдингми, анорим?

Тун сахарга айланур,
Сўнг захарга айланур.
Мен ютар огуларни
Сен ютдингми, анорим?

Сенинг гулларинг маъюс,
Балки ўйларинг маъюс?
Менинг эса хазонга
Тўлмиш хамма канорим.

Не умр бўлди умр?
Ою ийларим кўмир.
Энди сўник дунёда
Мушкул эрур ёнорим.

Сен шундайин хомуш кол,
Мисли кўрилган туш кол.
Гуллагайдир менинг хам
Бир кун сабру карорим.

Согинчим чинор бўлгай,
Хаммаси дийдор бўлгай.
Дилим шохингга илсам
Бир гўзал анор бўлгай.

1991

* * *

Мезон кетди, акраб кетди, кавс кетди,
Шафтолилар баргидан бир сас кетди.
Бу сасдин дил деворига дарз кетди,
Момом кетди, ховлисидан файз кетди.

Аввал кашнич, райхонлари куриди,
Сўнг сув сепган айвонлари куриди.
Арилар хам бундан буткул ариди,
Тут букчайди, бир кечада кариди.

Неваралар юрар эди харбийда,
Бири шарқда, бири дунё гарбида.
Улар кайтди. Момом эса хозир хам
Йиглаб ётган бўлса керак кабрида.

Шўрлик момом. Бир умр гирён бўлди,
Гохи у ён, гохида бу ён бўлди:
Келинларин яраштира олмайин
Бутун умр юрак-багри кон бўлди.

Тогаларим юрар кадлари сўрок,
Кўнгиллари ёришмас ёкса чирок.
Кенжалари киркка етмай кексайган,
Ўртанчаси тўнгичидан кариrok.

Гамга тўлдим ногоҳ ноҳуш тасвирдан,
Зах хидлари келиб колди тандирдан.
Тўйхонага ўхшаган катта ховли
Кўз олдимда жимиidi колди бирдан.

Энди бунда кечалари ой йиглар,
Пиёлада ичилмаган чой йиглар.
Япрокларни дув-дув тўккан шамолга
Кўшилишиб сўри, ховли-жой йиглар.

Энди сувда еру осмон лойланар.
Бошим узра ўгирибон ойналар,

Дарду хасрат илларини йигириб
Дунё момом урчугидай айланар.

1990

КИСКА САТРЛАР

* * *

Мен дардни хеч кимдан
Кўчирмадим, йўк,
Ёзганимдан кўра
Ўчирганим кўп.

* * *

Булбулни каргага
Кўшиб бўлмайди,
Карга бўлган жойда
Кўшик бўлмайди.

* * *

Дилимнинг доги хам
Кўксим яроси:
Лаблар гилосио
Кўзлар чароси.

* * *

Бир катра шабнам,
Бир томчи атири,
Эй ёр, менга хам,
Сенга хам етар.

* * *

Умр — бир согинчдир,
Умр — бир оғриқ.
У томони зангор,
Бу томони сориг.

* * *

Бу дунё, у дунё —
Икки айри бог,
Келиб кетгусимиз
Айлаб сайрибог.

1999

ЮЗ МИНГ КҮНГИЛ

Юз минг гамдир бу олам,
Юз минг гамга калошиб
Ошиклари ўтгайлар
Юз минг ўру кир ошиб.

Хар хасда юз минг хикмат,
Хар касда юз минг токат,
Хар дилга юз минг хасрат
Кетаётир илошиб.

Хар бир лахза юз минг ранг,
Хар бир тош юз минг жаранг,
Хар сукут юз минг оханг
Беролгайдир улошиб.

Бир жонга юз минг жафо,
Бир бошда юз минг савдо,
Бу невчун шўру гавго,
Кетолмас хеч ярошиб?

Юз минг булбул навоси,
Юз минг хил об-хавоси,
Юз минг хил дил балоси
Ўтар нени талошиб?

Юз минг гулдир бу хижрон,
Юз минг кўнгил бу армон,
Юз минг руҳдир бу осмон
Бошинг узра карошиб.

Юз минг лола бу нолам,
Юз минг сирдир бу олам,
“Юз минг валилар ўтди
Сирни сирга улошиб”.¹

1991

ХУДОГА ТОПШИРДИМ

Кай бир сахфаларда колди учқуним,
Кай бир лахзаларда колди кукуним,
Яхшими, ёмонми ўтди бир куним,

Мен уни Худога топширдим охир.

Савобим борми ё гунохим борми?
Бу дарди дилимга огохим борми?
Эртан кун бир ростгүй гувохим борми?
Мен уни Худога топширдим охир.

Болалик ул тили чучугим бўлди,
Тиник осмонлари кўшигим бўлди.
Энг вафодор дўстим кучугим бўлди,
Мен уни Худога топширдим охир.

Орзу ширин эди мисли хандалак,
Каср ваъда айлаб бўлибман халак.
Уйимни куйдириб кетди бир малак,
Мен уни Худога топширдим охир.

Хасад адо килди гулдай дўстимни,
Мен уни ичимда бир бор сўқдимми?
Унга элтиб беринг менинг пўстимни,
Мен уни Худога топширдим охир.

Майли бораверсин шубха гумонга,
Ёмонлик килолмам хатто ёмонга.
Ул мени олгайдир хар тун нишонга,
Мен уни Худога топширдим охир.

Агёрлар оғзида эртак эканим,
Келарми йўлида кўзлар тикканим?
Кандай хосил берар эккан экиним?
Мен уни Худога топширдим охир.

Яшарман хар дамни кўнгил они деб,
Бир кун... йигилгайлар дўстлар мени деб,
“Эй Сирож, танангда жонинг кани?” деб,
Мен уни Худога топширдим охир.

1995

КУРБОНЛИК КЎЙ

Худди жаннат жамолидай
Бир тонг эди,
Оlam бир ён,
Сенинг кўзинг бир ён эди.

Кечир мени,
Мен ёнингга боролмадим,
Жовдираган кўзларингга каролмадим.

Ўзларича кўли очик, хотамлари,
Нечук одам
Бу дунёнинг одамлари?
Нечун сени,
Нечун сени сайладилар?
Ёткиздилар,
Оёкларинг бойладилар.

Нечун бўйнинг бермай,
Ерга уравердинг,
Бошгинангни корнинг томон
Буравердинг?
Оёкларинг нечун бунча ташлашдилар?
Корнинг тирнаб,
Нени бунча талашдилар?

Бу дунёда куйдирган
Хам куйган инсон,
Ўнг келганда
Ўз боласин сўйган инсон.
Курбонлик кўй,
Майсаларга конинг томди,
Жовдираган кўзинг билан
Жонинг томди.

Кўтаришиб,
Осидилар сўнг оёгингдан,
Сахар ичган сувинг
Оқди томогингдан.
Кўзёшингни
Конинг билан кордиларку,
Теринг шилиб,
Корнингни хам ёрдиларку!

Нахот хайвон кисматин хам
Давоси йўк?
Кўзиларинг ётар эди
Кўзи юмук.
Жонсиз корнинг,
Чавогларинг болиш бўлиб,
Ётар эди улар
Тилсиз нолиш бўлиб.

Хаёт менга
Кўп гамларни кайтиб берди,
Буни менга бир огайним
Айтиб берди.
Жонзот кўзи билан
Боксанг gox хаётга,
Нафратларинг келиб кетар
Одамзотга.

Кечалари мен хам
Уйгок аlam билан,
Юрак-багрим тиглайдирман
Калам билан.
Лекин унга
Бир тасалли беролмайман,
Юрагимнинг кўзларига
Каролмайман.

Жонворгинам,
Дунё нечун кирлардадир?
Хаёлларим
Сен ўтлаган кирлардадир.
Кўймас сира,
Кулогимдан кетмас нари,
Кўзи юмук кўзиларнинг
Маърашлари.

2004

НОУМИД ОДАМНИНГ Дафтариға

Битта уйни бузмок мумкин бу дунёда,
Ундан кўнгил узмок мумкин бу дунёда.

Унда бўлмас айвонлару дастурхонлар,
Хониш килмас унда кушлар, полапонлар.

Унга хеч ким кириб чикмас — эшиги йўк,
Боласи йўк, алласи йўк, бешиги йўк.

Унда биллур жилгаларнинг бонги бўлмас,
Унда факат шом хукмон, тонги бўлмас.

Вайрон этсанг уни кўнгил тўйидир бу,
Кўксингдаги умидсизлик уйидир бу.

2004

НА КЕРАК?

Бир гулга бир дилдан дунё керакдир,
Бир дилга битта гул танхो керакдир.
Бир элга меҳрдан дарё керакдир,
Меҳр гар бўлмаса, итоб на керак?

Тириклик бир азиз неъматдир азал,
Ўткармок жойиздир покиза, гўзал,
Насимлар наводир, япроклар — газал,
Балогат базмида шароб на керак?

Сийму зар хавоси рангларингдадир,
Не хасрат томогинг, танглайингдадир?
Эй инсон, хисобинг манглайингдадир,
Бунчалар хисобу китоб на керак?

Садокат дарсидан хабар бўлмаса,
Фаросат ахлидан назар бўлмаса,
Кўнгилда хаёдан асар бўлмаса,
Ул хусну жамолга хижоб на керак?

Сув уза ярк этган шуъладир умринг,
Осилган омонат тугмадир умринг,
Магар Ҳак йўлида ўтмади умринг,
Сени бу чулгаган сароб на керак?

Илгагил дунёдан мунглуг қўйингни,
Энг аввал супургил кўнгил уйингни,
Саволу жавоб эт хар бир кунингни,
Саволинг бўлмаса жавоб на керак?

1994

БАХОР КЕЛМИШ

Томингизда шивир-шивир, шитир-шитир,
Бу — баҳорнинг кадмларин товушидир.
Сўридаги пуч ёнгокнинг пўчоклари
Кай карганинг колиб кетган ковушидир.
Ранглар кирап энди гамгин ўйингизга,

Томингиздан баҳор келмиш уйингизга.

Ёмгир ювган юлдузлар хам кандок гўзал,
Ёрингизнинг кўзлари хам андок гўзал,
Кадрин билинг бу дамларнинг, кайтиб яна
Бундок фасл тополмайсиз, бундок гўзал.
Каранг, баҳор келмиш ошик кўнглингизга,
Гул ўлчайди караб кадду бўйингизга.

Эй сен менинг шахарлик ок турнагинам,
Ярим кун хам сен ёнимда турмадинг хам.
Киш ўртаси ногох баҳор келди десам,
Зулфларингнинг атри экан кейин билсан.
Мен жон берай исларингиз, бўйингизга,
Баҳор билан сенинг ифор тўйингизга.

Хижронларга тўлик шеърий дафтаримни
Сен вараклаб, шамол, мени ахтардингми?
Бир бойчечак, бир каламкош калдиргочга
Алмашдим мен бор алам, бор дардларимни.
Шеърларим-ай, армонларим ўзингизга,
Баҳор келмиш бугун кўча-кўйингизга.

Кандай ўгил бўлдим сизга, кандай жигар,
Мендан аввал баҳор сиздан олмиш хабар.
Майса бўлиб кўкариб хам, ота, яна
Менга таскин бермоқдасиз бу тонг сахар.
Баҳор келмиш мангу сукут кўйингизга,
Хар бир майса ўхшар сўзу ўйингизга.

Баҳор келмиш, кутлуг бўлсин хаммангизга!
Умр берсин бобонгиз хам момонгизга.
Баҳор ахир канча шодлик, шукроналик
Келтиргуси холангиз хам аммангизга.
Канча севинч гулдай кизу ўглингизга,
Канча кўзи олиб келар кўйингизга.

Кўклардаги тўлин-тўлин ойдай Ватан,
Осмон десам, тошкин-тошкин сойдай Ватан.
Ватан десам, кўз олдимга онам келган,
Онам десам, нигоҳимда пайдо Ватан,
Баҳор келмиш яна ризку рўзингизга,
Дог тушмасин харгиз рангу рўйингизга.

ОК ЁКАЛАР

Ишим тушди сенинг оппок ёкачангга,
Йил канчага чўзилдию ой канчага?
Фасларни алмаштириб ранглар синди,
Мен йиглаган майсаларга чанглар инди.

Талабалик йилларимдан колган хаёл,
Сен бир нихол, нозиккина бир навнихол.
Мен согиндим, канча ёзу кишим учди,
Сенинг оппок ёкачангга ишим тушди.

Хар тонг нафис капалакдай пайдо улар,
Бир кўрмасам, ўртанаман: кайда улар?
Ёкаларинг охир шайдо килди мени,
Талабалар ичра гадо килди мени.

Менинг тоза, ок, муаттар япрокларим,
Ок хаёлдай кечди дарсу сабокларим.
Ёкаларинг кандай гўзал фунун бўлди,
Дорилфунун менга дорилжуунун бўлди.

Фаслларга ранг алманиб синди ранглар,
Мен йиглаган варакларга инди чанглар.
Диллар кўрдим — мисли сувнинг лойкалари,
Кўнгилларга йўликдим — кир ёкалари.

Голосларнинг гулларидаи ок мухаббат,
Ёшлигимнинг тонгларидаи пок мухаббат,
Кўлдан гозим, кўлларимдан кушим учди,
Яна оппок ёкачангга ишим тушди.

2002

КИРК БАХОР РИВОЯТИ

Кўхна дўстларингдай кўкда ой, куёш,
Кирк ёш, согинчмидинг ва ёким бардош?
Ярми иссик, ярми совуб колган ош,
Сойми, сохилми ё сайхонми, кирк ёш?
Бари бир-бирига хайронми, кирк ёш?

Сен тонг деб кутганинг шом чиккандайин,

Үрган арпаларинг хом чиккандайин,
Хам тинган ёмгиру хам чакиндайин,
Ранги сал унуккан кўйлагим, кирк ёш,
Эрта нелар дея ўйлагум, кирк ёш?

Ярми ок, ярмиси зангор тепалик,
Унда гулхан ёнар, ёни — капалик.
Бир йўлчи отланар — кундуз телпаклик,
Бир тунда зор-махзун бўлганим, кирк ёш,
Кирларда колганим — гулханим, кирк ёш.

Изхор дейинмикин ва ё изтироб,
Севинчми, саодат, севгими, сароб?
Ярим кўнглим обод, ярмиси хароб,
Яшил хам заъфарон кўкламим, кирк ёш,
Ичи тўла хижрон тўпламим, кирк ёш.

Бу — бир кенг сахрова колган пайтдайин,
Армон, кушларингга не деб айтайнин?
Олдга юрайми ё ортга кайтайин?
Менинг висолим хам фирогим, кирк ёш,
Шабнамга гарк бўлган карогим, кирк ёш.

1999

ЁМГИРЛАР ВА КЎЗЁШЛАР

Йилларга хам ёмгир ёгар,
Умримизга ўхшар боғлар.
Хижрон бўлиб колар тоглар,
Дилларга хам ёмгир ёгар.

Бахорийми, кузгимизми —
Биз излаймиз севгимизни.
Бу ёмгирилар раҳм килмай
Ювиб кетар изимизни.

Ойларимиз сўлгин-сўлгин
Сингилларга айландилар.
Юзимиздан оккан селлар
Кўнгилларга айландилар.

Согинч коплар хонамизни,
Ўйлаб ёлгиз жонимизни,
Биз колдириб кетгайдирмиз
Ёмгириларга онамизни.

Ок бўйинли танноз дунё,
Ўйнар тилло занжирлари.
Кимни кутар ёмгирларда
Она уйнинг тандирлари?

Биз орзу хам армонларнинг
Ёкаларин кўтаргаймиз.
Толе бир кун ёр бўлса гар
Ёмгирларда кўкаргаймиз.

2002

ЁШЛИК. БАХОР. МУХАББАТ

Асрлар бор — рўёдай,
Фасллар бор — муваккат.
Доим зангор дарёдай
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

Умримда уч сахарим,
Уч гўзал хуш сахарим,
Менинг уч хушхабарим
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

Согинчлари канотли,
Ёмгирлари новвотли,
Армонлари хам тотли,
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

Айтсам дилдан зоримдан
Гуллар унгай корингдан.
Нишон йўгу боримдан —
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

Сен, эй синглим, сен оғам,
Ўтгай алам, ўтгай гам,
Оlamда энг олий дам —
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

Мангу карвон тириклиқ,
Дарду хижрон тириклиқ,
Надир, инсон, тириклиқ?
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

Бўйи бости гул Ватан,
Бош-оёқ кўнгил Ватан,

Отин сўрсанг, бул Ватан —
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

Дунё арчаси ёлгон,
Канча-канчаси ёлгон.
Шудир ёдимда колгон:
Ёшлик. Бахор. Мухаббат.

2003

АЁЛ МАНЗУМАСИ

Бу диёрда ору номус,
шаъну шавкатдир аёл,
Мехру шафкатдан яралган,
мехру шафкатдир аёл.

Оlam узра бир куёш бор,
битта ой бордир, валек,
Ердаги нур — мөхитобон,
шамси талъатдир аёл.

Она сўзи юрт сўзи бирлан
нечун пайвастадир?
Бир улуг элдир, Ватандир —
шунга сархатдир аёл.

Кўкдаги кунларни хам
чарчатгуси меҳнатлари,
Уч юз олтмиш томири
иш бирла заҳматдир аёл.

Жон десам жононадир,
жоним десам жонимдадир,
Ул мухаббат оламига
мангу даъватдир аёл.

Мен кошингизнинг каросидан
дилимга хат олай,
Вах, нечук нозик нафосат,
инжа санъатдир аёл!

Бу гўзал нозуadolар
хечadolар килмагай,

Кайта-кайта жон ато
этгувчи хайратдир аёл.

Умрингизнинг бодларига
файз берган хам ўшал,
Билсангиз Хакдин мукофот
хамда рагбатдир аёл.

Онажоним, Она юртим,
давлатинг кам бўлмагай,
Токи сен борсан жаҳонда
катта давлатдир аёл.

2004

ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУР ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Булут эрмас, кўқ узра таркаган кўнгил гумонидур,
Гумон килмак бу дамда бегумон дилнинг зиёнидур,
Кўкарган хор ила хаслар тирикликтинги нишонидур,
Бахор айёнидур даги йигитликнинг авонидур,
Кетур сокий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Нигорнинг чехраси гоҳ ишқ наклидин эрур гулгун,
Гахи хусну латофат, гоҳи аклидин эрур гулгун,
Букун богим менинг ёр кадди нахлидин эрур гулгун,
Гахе сахро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гахе сахни чаман гул чехрасидин аргувонийдур.

Яна кўнгил катидин кетди бир-бир занг гуллардин,
На хушдур етса кўксунгга муаттар чанг гуллардин,
Яна ўксук жаҳонингда талошу жанг гуллардин,
Яна сахни чаман бўлди мунаккаш ранг гуллардин,
Магарким сунънинг наккошига ранг имтихондур.

Кўйингда ончалар дахр ичра килмишдир бу дил зори,
Ки яхлит лоларанг ўлмиш харобот бирла кулзори,
Аламлар таркалиб буткул, туганмиш ранжу озори,
Юзинг, эй сарв, жоним гулшанинг тоза гулзори,
Кадинг, эй гул, хаётим богининг сарви равонидур.

Рухимга иштиёқ солган зумуррад майсаси кирнинг,
Гўзал тушдир бу айёмлар, баёнин килма таъбирнинг,
Букун етмокдаман зимнига аста-аста бир сирнинг,

Не ерда бўлсанг эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Гарибингга тараххум айлагилким, анда жонидур.

1991

* * *

Дил букун, бошдин оёгим дил букун,
Хар карору хар карогим дил букун.

Дилдин ўзга колмади манзил манга,
Энг якин хам энг йирогим дил букун.

Кечалар кўйнида жон айвонида
Беомон ёнган чирогим дил букун.

Кўксим ичра йиглаюр кизгиш хазон,
Ўртаниб чеккан фирмогим дил букун.

Ўтмасин дил фасли, эй устоз фалак,
Менга дарс бергил, сабогим дил букун!

Кўйнида тошлар нихон каслар аро
Яккаю танҳо ярогим дил букун.

1990

СЕНИ ОЛИБ КЕТСАМ...

Сени олиб кетсам туманзорларга,
Туманзорлар ичра суманзорларга.
Етти газ тумандан чодир тиксам сўнг,
Сумандан бир ажиб сўри йигсам сўнг,
Ойни кулогингга сирга айласам,
Хар неки айласам бирга айласам.
Кўйлак тухфа килсам харир еллардан,
Кўзгулар ўрнатсам тоза кўллардан.
Булоклар сувини казиб тош, довон,
Сенинг кадамингга айласам равон.
Бахмал шамоллардан пардалар килсам,
Сўнг дилни тумордай бўйнингга илсам.
Юрап сўкмогингга юлдузлар кўйсам,
Тунлар суйсам сени,
Кундузлар суйсам.
Бир хаёт яратсам туну тумандан,
Овкатимиз бўлсин ишку сумандан.

1988

БИР ТУРЛАНГУВЧИ ГУЛ

Бу кандай гул? Бу кандай гул?
Гахи кор, кохи кондай гул.
Мен унга баркларим айтсам,
У менга баргларин бергай.

Кади хам бўйни зархал гул,
Якоси, кўйни зархал гул.
Мен унга зорларим айтсам,
У менга зарларин бергай.

Кабоги узра нурлар бор,
Кабоси ичра дурлар бор.
Анга ашкимдин арз айтсам,
Манга шабнамларин бергай.

Паришон холу богимдан,
Куйиб кетган димогимдан,
Десам дилда ямогимдан,
У менга барларин бергай.

Жудолик исли эпкинлар
Букун богимда эркинлар.
Мен унга хасларим айтсам,
Менга анбарларин бергай.

Тун ичра чирма ёлкин гул,
Гахи тинч, гохи тошкин гул.
Мен унга дардларим айтсам,
У менга лабларин бергай.

1990

МУХАББАТ КОШОНАСИ

Мухаббатни ташлаб кетманг bogларга,
Эрмак бўлар, хор бўлар у зогларга.

Азал гўзал нишонаси бир гулдир,
Мухаббатнинг кошонаси кўнгилдир.

Марвариддай асраб юрса киз уни,
Хазонларга ташлаб кетманг сиз уни.

Хаволардан танлаб Момо Хаволар
Юборгандир тонгда боди саболар.

Шабнамлардан олмиш рангу атрини,
Пайпокларга тенг этмангиз кадрини.

Азал ифор эшиклари бор хаёт,
Асал, бедор бешиклари бор хаёт.

Диллар кейин ётишмагай дилларга,
Мухаббатни ташлаб кетманг йилларга.

Кўнгил шу деб кўз очур хам кўз юмур,
Бутун умр, бори умр, бир умр.

Кўксингизда олиб ўтинг догларни,
Мухаббатга ташлаб кетинг боғларни.

2002

ШАХР АРО...

Шерали огага

Шахр аро шархи дилимни битта дилдош билса бас,
Ер билан осмон аро ул менга сирдош билса бас.

Ранг-барангдир одамининг зохирию ботини,
Аслини кайдин билурсан, сабру бардош билса бас.

Лола багрида нихон догларга завкинг келмасин,
Ишкини Лайлого Мажнун айлади фош, билса бас.

Жоми бахтим ичра кўрсам изтиробим жилвасин,
Ўзлигимни ўзгалар кўзиндаги ёш билса бас.

Равзаи жисмим аро минг андалибнинг охи бор,
Андалибни андалиб дўйсту кариндош билса бас.

Етти кат ер, етти кат кўк, водийи хижрон дилим,
Водийи хижрон дилимни битта дилдош билса бас.

1998

* * *

Мен ишк элининг нолаю афгонида куйдим.
Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

Мехрин тилабон ўтса агар ошики зорлар,
Мехримни бериб мен эса товонида куйдим.

Мушкул эди йўл, ранж ила изхорига ётдим,
Сизлар кўйида, мен эса домонида куйдим.

Ташбехига, холим будурур, ўзга киёс йўк,
Соч толасидай чоки гирибонида куйдим.

Ишк ахли фирогинда фигон этса агар, мен
Ёнида юриб, ёнида хижронида куйдим.

Дунёйи азалнинг газалий матлаъи булдур:
Бошлиб хама ишни они поёнида куйдим.

Хам меҳнати, хам миннати, хам заҳмати — борин
Жон жомига жамлаб, даги уммонида куйдим.

1988

* * *

Ганимлар сен билан бизни хали йиллаб гапиргайлар.
Кезармиз, ортимиздан соялар йўллаб гапиргайлар.

Мену сен бир-бировдин айрилиб кетмогимиз мумкин,
Алар бир-бирларини доимо кўллаб гапиргайлар.

Сену мен рози дил айтарга гах бир сўз тополмаймиз,
Аларнинг диллари айрою кўш тиллаб гапиргайлар.

Сенинг яфрог янглиг холатингу хам менинг яфрог
Киби хузну хазонимни алар гуллаб гапиргайлар.

Сену мен нукта янглиг гар узоклашсак, алар ортдан
Миниб бир-бирларининг бўйнига бўйлаб гапиргайлар.

Садосиз, истимосиз биз жимиб кетсак агар шундок,
Алар фархунда бўлгайларки, хой-хуйлаб гапиргайлар.

Хазин достон бўлур бир кун бизим бул бемурувват ишк,

Ўшал кун хам алар бизни кулиб-куйлаб гапиргайлар.

1989

* * *

Мен сени осмон десам, осмон санингдек бўлмагай,
Мен сени армон десам, армон санингдек бўлмагай.

Не эрур гулшан аро сарву санобар хам суман?
Хеч бири хуш коматинг, гулгун танингдек бўлмагай.

Бу чаманда гунча гуллар хандасидан хеч бири
Гунча лаблар баргидан сўз айтганингдек бўлмагай.

Настаринда ок либос, алвон ясанмиш канча гул,
Биттаси хам жонга офат савсанингдек бўлмагай.

Катл этди ул нигох ороста мижгонлар аро,
Икки дунё ганжи бир кўз тикканингдек бўлмагай.

Вомику Фарходу Мажнунлар агар келса катор,
Хеч бири оламда саргардон манингдек бўлмагай.

1994

ИККИ ДИЛ ГАЗАЛИ

Бул кеча шахду шакар бирлашдилар,
Икки дил, икки шахар бирлашдилар.

Бир-бирига етди охир икки хат,
Бул кеча зеру забар бирлашдилар.

Икки дарё, икки юлдуз, икки нур,
Мисли икки хушхабар бирлашдилар.

Бул кеча шому сахарсиз кечадир,
Икки окшому сахар бирлашдилар.

Бўлмагандай барча хижрону алам,
Икки дил охир агар бирлашдилар.

Икки жон, икки жаҳон бир тан бўлиб,

Икки огуш бир камар бирлашдилар.

Осмон хам бехабар колмиш, ажаб,
Бул кеча шамсу камар бирлашдилар.

1998

УЙКУЛИК БАХТ

М.Н.С.Н.

На хуш бўлгайки бир кун уйкулик баҳтимни уйготсан,
Кечалар тори мўйидек белига чирманиб ётсан.

БОБУР

Жоми баҳтим эрди доим гоҳ қурум, гоҳ қуйкалиқ,
Нозанин кўрдим у кун, бир нозанинким уйкулик.

Кошу мижгонлар кабоклардан хабар олмас эди,
Уйкусида айлагим келди анга бир хуш килик.

Ок бўйинда ухлаган зулфлар аро олдим нафас,
Ок бўйинда холининг атрофлари бир хуш, илик.

Кафтларим оташ эдию ул санам оташ эди,
Кўл юборсам хам қуярдим, гар юбормам — қуйгулик.

Мен унинг ноз уйкусидан жон била олдим хаво,
Уйкуси дарё эди, ул нозанин — бир ок балик.

Сочларидан тола-тола танладим дил торига,
Шунгача бўлган хаётим риштаси колди юлик.

Олгил умрим богидан бор гулларинг, такдири хак,
Суйгулик килсанг мани килгил шу гулга суйгулик.

Кўрганим бул бари, дўстлар, туш эди, рўё эди,
Ул менинг баҳтим эдию, баҳтим эрди уйкулик.

1998

ФУРКАТ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Гунчадек лаб бирла гулгун чогингизга дорман,

Гунча бирлан лаб аро бармогингизга догман.
Гулга теккач сийналар, титрогингизга догман,
Лоладек юз бирла сайри богингизга догман,
Гунчалар багрига кўйган догингизга догман.

Титрагай япроқдаги шудринг каби тан ичра жон,
Биз киму сиз ким? Гулу пойидаги барги хазон.
Сиз — ўшал Лайлло, ўшал Ширин, ўшал сарвиравон,
Булбули дилхасталар овораи бехонумон,,
Маскан этган гулшан ичра зогингизга догман.

Дил йўли гоят узундир, мен унинг корвониман,
Бу узун йўлда ўзим васлу ўзим хижрониман,
Менга етмас кўнглиму кўнглимни мен сарсониман,
Раддим айлар кўйингизнинг итларин хайрониман,
Шум ракибга йўл берар бўсогангизга догман.

Ногахон рухсорингизга зулфингиз солганда чанг,
Бўйнингизда холингиз хам беркиниб тургай аранг,
Камзулингиз хам таранг, ингичка белингиз таранг,
Бахмали мушкин ичинда илкингиздур лоларанг,
Хуни ошик ё хино тирногингизга догман.

Сиз нафис гуллар аро юрганда гулдан йўл бўлиб,
Кўйлагингиз бўйингизда ёнибон, гул-гул бўлиб,
Кун десам кундай кулиб, тун чоги ой янглиг тўлиб,
Ўлтуарсиз беҳирадлар базмида ўйнаб-кулиб,
Бизга колганда дили нючингизга догман.

Бир нигохингиз тириклик хам хаёт эрди менга,
Сиз томондин бир ибо юз минг нажот эрди мэнга,
Тори зулфингиз туганмас бир баёт эрди менга,
Аввал-аввал лутфингиз хаддин зиёд эрди менга,
Эмди-эмди мархамат камротингизга догман.

Сувда оккан гулдайинким лахзалар йилга етиб,
Кузда колган майсалардек ларзалар дилга етиб,
Сиз кетурсиз, сиз билан бори назокатлар кетиб,
Куйдириб Фуркат ўтида, власдин маҳрум этиб,
Элга андогу менга мундогингизга догман.

2004

САХАР ТУРМОК ЁКИ ШАБНАМ САЙЛИ

(Андрей Вознесенскийдан)

Бинафшалар, бўтакўзлар,
Капаклаклар гулин излар.
Бир рангларга кўмилгаймиз,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Тонг чоги бу — кавсар хаво,
Асал хаво, газал хаво.
Тоза наво, тиник сафо,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Салом бўлсин кўнгизларга,
Оромижон ангизларга.
Сиз чўмилинг денгизларга,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Сизда баланд кошоналар,
Ёмгир кўрмас тошойналар.
Биз — гулларга хамхоналар,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Мухаббат бир сайхон эрур,
Найсон эрур, найсон эрур,
Айвонимиз осмон эрур,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Жимжимадор ховузингиз,
Кезар нозли товусингиз.
Ёкут сизнинг ховучингиз,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Бир шом чўкар хотирларга,
Йиллар — гадир-будирларга.
Сиз катнайсиз дўхтирларга,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Хозир сизга бари бирдай,
Хали бир кун, кариликда
Сиз гамларга кўмилгайсиз,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

Биз дил очиб самоларга,
Гиёхларга термулгаймиз.
Сиз чўмилинг тиллоларга,
Биз шабнамга чўмилгаймиз.

2001

ТАКРОР

Тун чоги бир шамол эсдию кетди,
Гулнинг титроклари кўйнимга тушди.
Ёр ўз соchlаридан узун дор этди,
Зулфин сиртмоклари бўйнимга тушди.

Осмонлар айланиб, ойлар тўлдилар,
Кошлар камон тортиб, ёйлар бўлдилар.
Кўллар, кокиллари сойлар бўлдилар,
Ундан ирмоклари бўйнимга тушди.

Ё, раб, бу кандаин кўргулик, омад,
Хушкадам, хушкилик, хуш кадду комат,
Бир тун савдосида махшар — киёмат
Савол-сўроклари бўйнимга тушди.

Хаётнинг энг гўзал, шох устунлари,
Вах, бу устунлари, воҳ устунлари!
Мухаббат касрининг ок устунлари —
Ёрнинг оёклари бўйнимга тушди.

2003

* * *

Инжа, нозик хол тушибдир инжа бу лаб остида,
Тушмиш ул андиша айлаб ўнг эмас, чап остида.

Ушбу холнинг холатидин сен менинг холимни кўр:
Калб аро минг битта догу мингтаси калб остида.

Кошу мижгонлардин ул холнинг катор жаллоди бор,
Охир ўлгумдир, ёронлар, бу катор саф остида.

Эр аро овоза бўлдим холга мен кўнгил бериб,
Ўтгай умрим, колгум энди бир умр гап остида.

2002

ЭСКИ ТАШБЕХ

Нола килди най бўлиб кирк йил камиш,
Охларимдан, ёр, келиб кирккил камиш.

Кирк камишдай кийма-кийма кирк йилим,
Бир камишимдир, ажаб, кирк килкамиш.

Бир кўнгилдан ер уза кирк настарин,
Кирк гиёҳ унгай яна кирк хил камиш.

Том килгил бу камишлардинки, кўр:
Ястанибдир йўлинга кирк дил камиш.

Сочларингни биз учун кирк килмадинг,
Сенда коматлар камишу бел — камиш.

2002

ОЙСИНГИЛНИНГ КЕЛИНЧАКЛИК ЛИБОСИГА

Настарин, исминг фарангি, Настарин,
Сен хаётнинг янги ранги, Настарин.
Жилвасидай икки биллур жомнинг,
Икки кўнгилнинг жаранги, Настарин.

БИР НИГОРНИНГ Дафтариға

Киприкларинг орасига киприк солсам,
Кипригимдан кипригингга кўприк солсам.
Бу кўприкни хижрон сели ютолмагай,
Биздан бошка хеч ким бундан ўтолмагай.

2004

КЎКСИМДАГИ ЗАНГОРЛАРИМ

(Хазрат Яссавийдан бир сатр)

Тонглар кетди, кунларимдан тонглар кетди,
Кетган тонглар йилларимни онлар этди.
Бир жонимни севгим юз минг жонлар этди,
Кўнглим, сенинг давлатингдан шонлар кетди.
Бу муттасил меҳнатларим битармукин,
«Кўксумдаги зангорларим кетармукин?»

Кўзёшимдан майса бўлган бўйроларим,
Шомларимда жимиrlаган Зухроларим,
Кезган ерлар, адирларим, сахроларим,

Эшигимга чайкалибон дайроларим
Келса, бул хам фигонимга етармукин,
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Суйкансанг гар юз йил кўзу кошинг билан,
Уринсанг, ёр, юз йил кўлда тошинг билан,
Сўнгра силаб мижгонларинг, сочинг билан,
Яна юз йил ювиб ўтсанг ёшинг билан,
Тадбирларинг дардимга кор этармукин,
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Уч минг йиллик чинор яна куртаклади,
Эрта-индин яшил куйга буркалади,
Охуларим — тогларимнинг хуркаклари
Кечалари таним хидлаб суркалади,
Уларнинг хам дунёлари хатармукин,
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Бу дунёда ёр изладим дилга лойик,
Бу дил энди елга лойик, селга лойик.
Нур таратган соchlарини ёйиб-ёйиб,
Бошим узра йиглаб турса минг малойик,
Аламларим булатлардай ўтармукин,
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

1990

* * *

Бахор бу йил ажиб пинхона келмиш,
Кўнгиллар розига ин, хона келмиш.

Келиб ёр зулфини райхон этиблар,
Кейин — гул, сунбулу райхона келмиш.

Чечаклар бирла етмиш давру даврон,
Саройу богу дашт жавлона келмиш.

Назокат ичрадир оlam, мисоли
Малика ок кийиб султона келмиш.

Хилол чикмиш бу кеч кўк сийнасидан,
Кўрингким, ул нечук шаркона келмиш.

Кетар дил бул кеча минг дилрабодан,
Келинлар гўра еб тугёна келмиш.

Сенинг, эй лоларух, пинхон хаёлинг,
Кўз ичра айланиб, мижгона келмиш.

Адирлар лола жомидан тутар май,
Табиат хуш бўлиб, риндана келмиш.

Ёронлар, бу — баҳор эрмас, билингким,
Тириклик номидан шукрана келмиш.

2001

«БОЙБУВА, ДУО АЙЛАНГ...»

(«Бозор ижодиёти»дан)

БОЗОР ИКТИСОДИЁТИ ВА ШЕЪР

Бир шабнамга зор бўлиб турган пайтинг
Ёмгир бўлиб кирларингга ёгайми?
Бисотимда бор-йўги бир коп байтим,
Тўрт килоча кофиям бор, огайни.

Таъм бермас балки кечки шўрвангга,
Тоза, тиник сатрлардан ўрайми?
Ёки гариб, шалвираган тўрвангга
Ярим кило тўртлик солиб берайми?

Шоир яшар дард ютиб, юлдуз кусиб,
Хосил олмок учун бир бет, ярим бет.
Гунчадайн сўзларимдан сен узиб,
Атиргулдай кўшиклардан харид эт.

Хеч ким хор ўлмаган хали оч колиб,
Чорласалар олтин, зангор сохиллар.
Менга хам унча хуш эмас, бош колиб,
Корин билан ўйласалар шоирлар.

Дўконим борми ё йўкми — карамай,
Тонг еллари сўраб келса холимни.
Ўз кўнглимни когозларга ўрамай,
Шамолларга хадя этгум молимни.

Кашкарбалдоклардай тўрт ташбехим бор,

Билагузук янглиг беш-олти газал.
Ошу нондан иборат эмас рўзгор,
Бул хақда хам топиб берай кўп масал.

Ажабланди аввал у мен хастадан,
У ён бокди, бу ёнга солди назар.
Аста ўтиб сўнгра кўшни растадан
Икки кило гўшт об кетди, баччагар!

1997

ТИЖОРАТЧИ ДЎСТИМ ТУРСУНБОЙГА ХАЗИЛ МАНЗУМА

Бир гап айтсам, азиз дўстим Турсунбой:
Ёлгиз ирмок окавериб сой бўлмас.
Дўсту ёри кўп бўлса гар, хойнахой,
Йигит холи хеч каердавой бўлмас.

Кунлар ботар, ўтар кеча-кундузлар,
Огрир нечун юракдаги илдизлар?
Милён йиллар милтираган юлдузлар
Нечун куёш ва ё тўлин ой бўлмас?

Хўб яхшидир бу дунёда тижорат,
Барча солар баланд-баланд иморат.
Эҳтимол бўй кўрсатмокда киёмат,
Бизга ул кун ўзга хошиш-рой бўлмас.

Хозирча, кел, носларимдан отиб кет,
Уч-тўрут кеча айвонимда ётиб кет.
Шеърларимнинг каймогидан тотиб кет,
Эрта-индин шеър айтишга жой бўлмас.

Кайгуларни кайгуларга ямлатсак,
Тўзган фикру хаёлларни жамлатсак,
Сайднеъмат эшонга ош дамлатсак,
Бул гурунгдан ортиқ тотли мой бўлмас.

Чўнталингда пулинг бўлса, яхши-да,
Бизда пулни “лой” дегайлар аслида.
Айникса, гул йигитликнинг фаслида
“Лой”га ботсанг, бундан яхши лой бўлмас.

Жуда кизик дунёдаги рафторлар:

Дил ахли хам, пул ахли хам бедорлар.
Парво килма, алдасалар гаддорлар,
Хўтиқ бўлиб тугилганлар той бўлмас.

Бирни ака, бирни эса жўра деб,
Баъзан пасткаш бир нокасни тўра деб,
Яшайдурсан gox халво, gox гўра еб,
Ўкинг бўлса, goxi камон-ёй бўлмас.

Мискин опа-сингилларга нажот бер,
Дўконлар кур, кўчаларга хаёт бер.
Энг аввал сен шоирларга закот бер,
Шоирларда gox нон, goxi чой бўлмас.

Бу эл мөхри ўхшар куёш, ойларга,
Факирлари айлансиналар бойларга,
Козонлари тўлса гўшту мойларга,
Бу дунёда шоирдан зўр бой бўлмас.

1996

КУЛГИЛИ

Хаёлимда курилмаган касримга
Кумхаёлдан девор килсан кулгили.
Хали дилда яралмаган сатримга
Кофияни катор килсан кулгили.

Том бошига олиб чиксан тандирни,
Хандалакка пайванд килсан анжирни.
Миниб ялков, узункулок хачирни
От пойгада тулпор килсан кулгили.

Одам Ато бирлан Момо Хавони
Яратди хам берди жабру жафони.
Ўн саккиз ёшимда ўтган хатони
Кирк ёшимда такрор килсан кулгили.

Ўчдим канча ёронларнинг ёдидан,
Кечдим мен хам кандидан, новвотидан.
Кўнглим колиб кетган одам зотидан
Яна кайта дўст-ёр килсан кулгили.

Ёнди канча сарвикомат шамларим,
Мумдай котди кўзёшларим, гамларим.
Ўтди кетди ширин дамим, дамларим,

Яна ширин гуфтор килсам кулгили.

Биронинг тўн, биронинг йўқ этиги,
Дунё шудир: доим бисёр кемтиги.
Хўтигини гажиб ўтар хўтиги,
Мен бу холни ошкор килсам кулгили.

Нима килай бехаловат бу дилни?
Унутди деб гўзал гулу сунбулни,
Уйку босган, тўк ва семиз булбулни
Шеърлар айтиб бедор килсам кулгили.

1997

ШОИРНИНГ КЎЙИ

Молбозордан бир тиррик
Кўй сотиб олди шоир.
Ўз бошига минг ташвиш,
Ўй сотиб олди шоир.

Гўё саксовул дейсиз,
Ўз пулига яраша.
Оёклари чилвирдай,
Кўй эмас бу, тараша.

Шоир у кун асабий,
Толиккан, хоргин эди.
Озгин шоир эди у,
Кўйи хам озгин эди.

Аслида тили кисик,
Муттахам кўй экан бу.
Ўпкаси шамоллаган,
Зотилжам кўй экан бу.

Хали юрмай, ўзини
Оркага ташлади кўй.
Бир ариқдан хатламай,
Йўтала бошлади кўй.

Бир карасанг мугомбир,
Нобакорга ўхшайди.
Кўзларининг тубида
Бир гап борга ўхшайди.

Унда хали куз эди,
Келди кишнинг чилласи.
Шу кўйни деб шоирнинг
Куриб битти силласи.

Узун тунлар йўталиб,
Кўзни юмирмади кўй.
Арпа бериб бокса хам,
Харгиз семирмади кўй.

Бедаларнинг гулидан
Завкка тўлмади бу кўй.
Шоир канча жон чекди,
Одам бўлмади бу кўй.

Айтди шеъру достонлар,
Кўй эса bemор эди.
Шоир бедор кечалар,
Кўйи хам бедор эди.

Нима билан тугади
Бу машмаша, бу савдо?
Кўйни одам килай деб
Бир шоир бўлди адо.

Тириклик гохи шундай
Ташвиш экан, ўй экан.
Шоир олган кўй эса
Одам бўлмас кўй экан.

1996

АЙИРБОШ

(Хазил)

— Бу дунёда эхтиёж мўл пахтага,
Мен пахтани алмаштиргум тахтага
Менинг сенинг диёрингга паттам йўк,
Пахтам кўп, лек том ёпишга тахтам йўк.
Умрим меҳнат ва захматдан иборат,
Мунгаядир чала битган иморат.
Мен демасман қахва ёки латта бер,
Пахтамни ол, берсанг менга тахта бер.
Ёнилги, мой бир гап бўлар, сол кулок:
Шовулламас бекор тун-кун Мингбулок.

— Когоз олгил, у тиллога баробар.
— Менга факат тахта керак, биродар!
Шоирлар хам кизик, ёзар бетиним,
Томсиз уйда китоб ўкир ахир ким?
Етмаса, ол кўрпа-ёстик, тўшагим,
Пўстагим бор, бир амаллаб яшагум.
Эрта-индин киш кўрсатар кунимни,
Етмаса гар, ечиб берай тўнимни.

Ўзбек кизик, доим шундай жайдари,
Иморат деб ўтар умр дафтари.
Бу сафар хам оклади ўз номини,
Тўнсиз колиб, ёпиб олди томини.

1993

АЖАБ ДУНЁ

Мен бу олам ахволининг
хар рангига тушунмадим,
Мен бу одам авлодининг
найрангига тушунмадим.

Мен бу ичи тўла риё,
кўнгли каро ёронларнинг
Кийиб юрган чопонининг
зар рангига тушунмадим.

Мен бу чаман сахнасига
ошик бўлиб келган эдим,
Гул рангига тушундиму
дил зангига тушунмадим.

Мен бу бозор ичра юрган
булбулларга хайрон бокдим,
Симёгочга боглик турган
кар хангига тушунмадим.

Мен бу кавну маконига
бир дўст излаб келган эдим,
Эртаю кеч ош еб ётган
барзангига тушунмадим.

Кўнгиллару майсаларнинг
шивирларин тинглай девдим,
Коринларнинг дўмбираю

дарангига тушунмадим.

1999

ДУО СҮРАБ

(Хазил)

Бойбува, дуо айланг,
Сиз гарчи Хизр эмас,
Лек Худо хар кимга хам
Мол бермас, давлат бермас.

Доим очик эшигу
Козон тўла ошингиз.
Сизни алкар бутун эл:
Дард кўрмасин бошингиз.

Майли хар бир факирнинг
Бошини силанг, сийланг.
Бирок менга кўл очинг,
Бойбува, дуо айланг.

Рости гап, хўп зериқдим
Омадни кува-кува.
Тўним елкамда доим,
Дуо айланг, бойбува.

Шоири замонларнинг
Дуосин олдим роса.
Машхур шоир бўлиб мен,
Элга бўлдим овоза.

Ёлгиз эмасман гарчи,
Агарчи дўст-ёrim бор.
Кўнглим менинг шеърдан бой,
Валекин рўзгорим бор.

Дилимда бу дунёнинг
Дардлари куйиб кетсин.
Бойбува, дуо айланг,
Бир шоир бойиб кетсин!

1995

БОЗОР

Нос бозори канию
гоз бозори кани?
Соз бозор гар шудир,
носоз бозори кани?

Турфа бу гумбаз аро
йўқдир оёк кўймокка жой,
Макиёндир хаммаёк,
хўроз бозори кани?

Бир гурух тузсак дегандик,
номи хам “Бозорнаво”,
Тору дойра, сурнайу най,
соз бозори кани?

Битта хам дехкон топилмас, кўр,
бу дехконлар аро,
Кайда чин тошу тарозу,
хос бозори кани?

Бу хаётда барчамиз
ўйинчилармиз бир кадар,
Сўрмангиз: ўйинчи ё
раккос бозори кани?

Тунлари тинмай “Катортол”дан
катор тойлар ўтар,
Той тойга тиржаяр:
танноз бозори кани?

Икки барзанги давангир
муштлашар кўйтери деб,
Шулми одам, хўкизу
новвос бозори кани?

Тўгрилик ахтармагил
бу даҳри дун бозорида,
Сўрмагил ўртаб ўзингни:
рост бозори кани?

2005

“ЎЛДИРГУСИ”

Охир мени бу шахрнинг
дўндиклари ўлдиргуси,
Дўндикларининг кўл, оёк
кўлтиклари ўлдиргуси.

Юз нагма пардоз айлаган,
ўзини танноз айлаган,
Келмай туриб ноз айлаган
интиклари ўлдиргуси.

Давру замон лозимлари,
овро, фаранг киркимлари,
Сурнайга сингил шимлари
йиртиклари ўлдиргуси.

Сиймин баданми, сиймбанд,
кўйлакми бу ё сийнабанд?
Кўп хам хаёлинг этма банд,
кемтиклари ўлдиргуси.

Кандок десам кантдек экан,
кандил яна киндек экан,
Тилло тўла сандик экан,
сандиклари ўлдиргуси.

Эсиз гўзал уй бекаси,
бу — кўча хам кўй бекаси,
Дўндиклар ичра эркаси,
тантиклари ўлдиргуси.

Гоят гаройиб холлари,
олам бўлур хайронлари,
Илонлари, чаёнлари —
чандиклари* ўлдиргуси.

Зулфларми каждумларми ё,
тирноклари хунларми ё,
Бу чархи гардунларми ё
килтиклари ўлдиргуси.

Недир мухаббат таънию
хусну гўзаллик шаънию,
Дилни бу холнинг маънию
мантиклари ўлдиргуси.

Охир мени бу шахрнинг

дўндиклари ўлдиргуси,
Киприклари эмас, энди
киндиклари ўлдиргуси.

2005

АХТАРАЙЛИК

Келинг, мулло Сирож, ёр ахтарайлик, 1
Туну кун зору бедор ахтарайлик.

Умрнинг ярми ўтди нола бирлан,
Яна токи умр бор — ахтарайлик.

Бўйинлар осилур зулфлар кесилмиш,
Биз энди ўзга бир дор ахтарайлик.

Узарлар бунда кўнгил торларини,
Кўнгилга бошка бир тор ахтарайлик.

Очилмиш лолазор янглиг бу лаблар,
Бу лаблар ичра зуннор ахтарайлик.

Билолмай жинси шимлар жинсиниким,
Үётдин бошга чалвор ахтарайлик.

Кўриб киндикларини халка таккан,
Кочайлик, бир чукур гор ахтарайлик.

Бу бозор ичра кўнгил синдиурлар,
Биз энди ўзга бозор ахтарайлик.

2006

ЖЎРАЛАР

Мен нечун меҳру вафони
харф килдим, жўралар?
Канчалар сидку сафони
сарф килдим, жўралар.

Истадим бир тўгри юз,
бир тўгри кўнгил, тўгри сўз,
Мен бу дунёда бу янглиг
айб килдим, жўралар.

Токи топгайман нишон деб
рост бир дўстдан нишон,
Дилни бой бердим, ўзимни
гайб килдим, жўралар.

Окланиб битди неча
уммидларимнинг соchlари,
Неча бир уммидларимни
дафъ килдим, жўралар.

Энди дўст деб, дўст кутиб
кон йигламас фурсатларим,
Ёшлигимни мен шу йўлда
хайф килдим, жўралар.

Сиз риё базмида ишрат
сурдингиз йилларки, мен
Кай куни сиздан кутулдим,
кайф килдим, жўралар.

2005

“ХАЛК КЎЙМАСА НИМА КИЛАЙ?”

(Баъзи унвонпарастларга)

Ўз Лайлимни суймас эдим,
халк кўймаса нима килай?
Мажнун бўлиб сўлмас эдим,
халк кўймаса нима килай?

Бу гумроҳлар — болаларим,
ўзим эккан лолаларим,
Эркак эдим, гўлмас эдим,
халк кўймаса нима килай?

Директўр бўл, зўр бўл дер халк,
бўлолмасанг кўр бўл дер халк,
Мен-ку ўзим билмас эдим,
халк кўймаса нима килай?

Мени ахир халк истайди,
кайга борсам халк кистайди,
“Халк шоири” бўлмас эдим,
халк кўймаса нима килай?

Иzzат истаб ўлодирман,
кеча-кундуз елодирман,
Мен-ку асли елмас эдим
халк кўймаса нима килай?

Бу дунёда пул, шон надир,
амалкурси, унвон надир,
Мен назарга илмас эдим,
халк кўймаса нима килай?

Тушунинг-да, ўрток раис,
ахволим танг, гапим гализ,
Бу даргохга келмас эдим,
халк кўймаса нима килай?

2005

БЎЛ!

(Завкиёна охангларда)

Ахли дил бўлма, замоннинг танбури ё сози бўл!
Бир улусга бўл бўлис ё бир туманга кози бўл!

Кўп нуфузли давраларда тустовуқдай товланиб,
Базмларнинг кўрки бўлгил, нози бўл, таннози бўл!

Индамай юрсанг бўлурсан окибат туфрокка тенг,
Бир баобрў ташкилотнинг бир кичик гаммози бўл!

Холима бокмас дема, даврон қулоги кар эмас,
Латта бўл, юмшок супургининг майнин овози бўл!

Бир сатангнинг лозимида поча бўлгил суйкалиб,
Эр эмас, хаммоли бўл, бакколи хам баззози бўл!

Бул амаллар гар кўлингдан келмаса, ўксинмагил,
Машклар килгил, замон каззобининг сарбози бўл!

Акча кирган уйларингдан янграгай шеъру суруд,
Танга бўлгил ё динор ё ул кўкиш когози бўл!

Хаммаёк дўкону маркет, растаю бозорининг
Муттаҳам даллоли бўлгил ё семиз бир гози бўл!

Окило, сен зору маъюссан бу савдолар аро,
Чеккарок юр, хору хаснинг хамдаму дамсози бўл!

1994

ОДАМ — ТЕЛЕФОН

(Хазил)

Бикинда — бир телефон,
Бўйнингда — бир телефон.
Бир телефон — киссангда,
Кўйнингда — бир телефон.

Кўлингда — кул телефон,
Ўйингда — пул телефон.
Сенга хамдамдир — кезсанг
Сахрою чўл — телефон.

Кизингда — бир телефон,
Ўзингда — сир телефон.
Уйда неча жонинг бор —
Шунча телефонинг бор.

Кўймайди хушторларинг,
Дилбару дилдорларинг.
Баданларинг зириллар,
Телефонинг ириллар.

Камалакни кўрмайсан,
Капалакни кўрмайсан.
Тўхтаб туриб, майсага
Бокдинги бир лахзага?

Бир кун ўтсанг, эй одам,
Сенга ким тутар мотам?
Жанозангга нолонлар
Тўпланар телефонлар.

Зиркирайди бикининг —
Буйракдаги тошингми?
Телефонлар охири
Едиларку бошингни.
Маъракангда жам бўлиб
Ейдилар хам ошингни.

Кейин дўсту ёрларинг
Йиглаб бардош, сабрингга,
Мармартош телефонни
Ўрнатишар кабрингга.

2006

ЧУМОЛИГА ХАЗИЛ

Бу дунёда факат меҳнат,
Захматни билган чумоли.
Онам ёпган кулчаларга
Илашиб келган чумоли.

Юрган эдинг уйимиизда,
Гоҳ тому гоҳ сўримиизда.
Кавминг сени излар хали,
Тополмайин йиглар хали.

Зерикдингми турмушингдан,
Кочдингми ё юмушингдан?
Бўйнимда жонинг уволи,
Тошкентга келган чумоли.

Сени нима килсам экан?
Кошки ўзим билсам экан.
Элтайми бог, гулзорига,
Ё мардикор бозорига?

Сен ўкишга киролмайсан,
Асло вазир бўлолмайсан.
Дунёнинг ожиз саволи,
Тошкентга келган чумоли.

Ростин айтсам, котди бошим,
Ош бўлмас хеч еган ошим.
Яхиси, кет маконингга,
Жўнатайин Сурхонингга.

Ширинликлар, мойлар кўйсам,
Сени ипсиз бойлаб кўйсам,
Жиянимнинг халтасига
Билинтириш жойлаб кўйсам.
Бу ишларга бўлма хайрон,
Яхши боргил, чумолижон.

Сен кетдингу тогдай ўсдим,
Кечир, агар кўнглинг буздим.
Мен сен хақда шеър ёзайнин,
Сен ишлагин бориб, дўстим.

2001

«ТАЛАБАЛИК ОЧЛИК ДАВРИМ»

(Хазил)

Уч кундир оч яшайман
Термулиб котган нонга.
Чўнтакнинг хам “корни оч”,
Мадад беролмас менга.
Девордан жилмаяди
“Олтин талабалигим”.
Карайман, хўрсинаман,
Хўрсиниб кўяр корним.
Стипендиянинг “котили”
Ана, кирк сўмлик туфли,
Бакрайганча карайди
Менга дахлиздан туриб.
Ял-ял ёниб курсдош киз
— Кинога, — дейди, — юринг!
Кинога бало борми,
Корни тўк-да, аблахнинг!
Отам берган пулларнинг
Китоб олдим барига.
Кулбам мени сир тутар,
Яширгандай багрига.
Суратимга карайман,
Бир нарса деб бўлмайди.
Китоб — дўстдир, валекин
Китобни еб бўлмайди.
Таниш шоир келади,
Кўзойнаги ялтирас.
Баччагарнинг корни оч,
Мени гам босар баттар.
У хам кириб ўлтирас,
Англагандай ноламни.
Тор кулбада шеър ўкиб,
Сайр этгаймиз оламни.
Шеърият канотида
Тоглар, сойлар кечамиз.
Котган нонни бўктириб,

Бирга чойлар ичамиз.
...Ярим тун, күзгалару
— Яхши кол, — деб жүнайди.
Күзойнаги ялтираар,
Осмон юлдуз үйнайди.
Үша кеча, тор хужра,
Факиргина күйлакда,
Шоирлик, талабалик
Тутинди ака-ука.

1977

КИМ НИМА БҮЛАДИ?

(Болаларга)

Бу майсалар униб-ўсиб,
Похол, хашак бўлади.
Бу хўтиқча, билсанг, бир кун
Каттак эшак бўлади.

Бу камишлар бир кун бориб
Най бўлурлар, том, бўйро.
Бу жилгалар окавериб
Бўлгайлар катта дарё.

Бу тухумлар чийиллашиб,
Жўжа бўлар, полапон.
Карга бўлар улар, балки
Бургут бўлар, болажон.

Бу жонворлар сал-палгина
Ўсаётир нотўкис.
Катта бўлса булар бир кун
Хўкиз бўлар ё тўнгиз.

Уктирасалар, хафа бўлма,
Ранжимагин, болажон.
Бу сапчалар ковок бўлар,
Калла бўлмас хеч качон.

Бу дунёда галат ишлар
Рўй бермоги хеч гапмас.
Бу читтаклар бир кун келиб
Булбул бўлса ажабмас.

Бу пахталар, билсанг, бир кун

Бўлар оппок дастурхон.
Ўша кунлар сог бўлсак бас,
Нон бўлса бас, болажон.

1994

КУШЛАР ОЛАМИ

(Болаларга)

Каргалар кочиб кетди,
Гум бўлдику читтак хам.
Унга бу ошёнлардан
Топилмасди катак хам.

Жуфтакни ростлаб колди,
Каранг сатанг майнани.
Булгаб кетибди яна
Деразани, ойнани.

Анхорда юрган эмиш
Чумчук билан загизон.
Истанбулга учибди
Бу сахар жиблажибон.

Калдиргочку, тинмайди,
Кўзга кўйиб сурмалар,
Ташигани ташиган
Факат лою гувалак.

Кизилиштоннинг эса
Уялгани ўлгани,
Ипподромга кетдими
Яшил иштон олгани?

Табиатнинг бу холдан
Кош-ковоги чимрилар.
Мухаббат бозорига
Хайрон бокар кумрилар.

1998

КУРБОН ЭШМАТ КЕЛМАДИ

(Излаган пайт топилмас маҳсус мухбирга
хам эътироф, хам хазил)

Сурхонми ё Кашкадан
Кутилган пойиз келди.
Бир-бирин кўлтиклишиб
Кози хам райис келди.
Гузордан тандиркабоб,
Деновдан майиз келди.
Маргилондан кандолат,
Сеулдан салат келди.
Бу дунёда юрганлар
Кўплари галат келди.
Челакдан чак-чак келди,
Кўкондан пашмак келди,
Курбон Эшмат келмади.

У пайт рамазон эди,
Нос унда арzon эди.
Хайит ўтиб, хут келди,
Ким ёрти, ким бут келди.
Канча сигир, говмишнинг
Елининга сут келди.
Ўт-ўлан, хашак келди,
Канча мов пишак келди,
Пўстагу тўшак келди,
Курбон Эшмат келмади.

Бу дунёга термулсанг
Кўса хам кўп, кал хам кўп.
Соглари-ку, майлига,
Бекорчи касал хам кўп.
Бу даргохга канчалар
Кўса келди, кал келди.
Барчаси бир кўмакка,
Мададга маҳтал келди.
Канча бой одам келди,
Канча ой “мадам” келди,
Тош келди, Тошмат келди,
Бало келди, дард келди,
Курбон Эшмат келмади.

Курбон Эшмат кайдасан?
Гоҳ чолгу, гоҳ найдасан.
Кутган маҳал келмайин,
Кутмаган пайт пайдосан.
Котибият кон бўлди,
Хамирлари нон бўлди.
Барча ишинг — когозда.

Сайёраю Озода

Чинкирар бор овозда:

Кўй, кўчкор, кўзи келди,

Фарходи Рўзи келди,

Курбон Эшмат келмади.

Инфаркт бўлиб телефон

Стол узра берар жон.

Жовдирар Жовли Хушбок,

Дўстим, дунёга хуш бок.

Хуш боккилу калам сур,

Киличдан хам калам зўр.

Курбон Эшмат ким ўзи?

Олмосдай кескир сўзи.

У сендай дуторчимас,

Ё мендай бекорчимас.

Жаврамагил бунча хам:

Курбон Эшмат келмади.

Курбон Эшмат бор бўлгил.

Бўта эдинг, нор бўлгил.

Битгайдир бу дунёнинг

Бир кун бор каму кўсти.

Канча факир зотларнинг

Сен чин ёри, чин дўсти.

Кезгайдирсан эл аро,

Хар дил, хар кўнгил аро.

Бунга эса куш келди,

Хушмат келди, хуш келди.

Норкул носфуруш келди,

Канча сўзфуруш келди.

Йўлаклардан хар доим

Бир кўшик нохуш келди:

Курбон Эшмат келмади.

1999

ДОНИШМАНДНИНГ НОСКОВОГИГА

Киш яхшику, баҳор яхши,

лекин тўкин ёз яхшидир,

Ўрмондаги хомхаёлдан

Дўрмондаги гоз яхшидир.

Яшайверсанг бу дунёда

ажиб хикмат бўлар умринг:

Юз муттаҳам дўстдан кўра,

икки отим нос яхшидир.

ШОХИ СИНГАН БУКАГА

Дунёда кўп кизик:
Ўйноклаб, тошиб,
Оккан жилгани хам тиндиргувчи бор.
Хатто жонзот бўлиб шох чикарсанг-да,
Сенинг шохингни хам синдиргувчи бор.

БАДАВЛАТ АМАКИМНИНГ ЭШАГИГА

Кариндош хам гохи-гохи ёт бўлар,
Эшакман деб гам ема, уёт бўлар.
Махтумкули бобо айтиб кетгандай:
Давлатмандлар эшак минса от бўлар.

КАМБАГАЛНИНГ ПУЛИ

Камбагалнинг пули тўйга етмади,
Бир ашула ё бир куйга етмади.
Бутун умр гам чекишга етдию,
Бир карнайчи ё бир куйга етмади.

ОДАМЗОТ

Канча сурувларни одамзот еди,
Барра ширвозларни еди одамзот.
Семиз кўчкорларнинг бошига етди,
Айтинг, кай манзилга келди одамзот?

Туриб илик ейди,
Гўшт ейди ухлаб,
Зарра парвоси йўқ китобга, куйга.
Хозир у ётибди корнини силаб,
Ўзи хам айланиб колганми кўйга?..

* * *

Бу дунёдан хеч кимса
бус-бутун чиккан эмас,
Одамзотдан тог чиккан,
бир устун чиккан эмас.
Кўнгли эгри каслардан
тўгри зотлар чикмагай,

Кийшик мўридан хеч вакт
рост тутун чиккан эмас.

2004

Ё ТАРИК, Ё БУГДОЙ

Эккан таригимни талаб кетди деб,
Кириб ташламасдан чумчукларини.
Майли, юраверсин душманим бол еб
Ва ё мойга булааб тумшукларини.
Мен унга хеч качон килмасман таъна,
Ўтган хар бир ишдан огохдир Худой.
Ўшал кирда бу йил кўкламда яна
Ё тарик экарман ва ёким бугдой.

1997

УМР ТАРТИБИ

Хар куни битта тухум
Хаёting учун мухим.

Хар куни тўртта илик
Есанг — илигинг тўлик.

Ўтказмок-чун бир тўйни
Сўйдинг ўн хўкиз, кўйни.

Колмаса гуруч, унинг,
Кон ютиб ўтар кунинг.

Яна бугдой, дон дейсан,
Хар куни ўн нон ейсан.

Нафсинг билан лафзинг бор,
Пиёзинг хам сабзинг бор.

Парранда, балик ейсан,
Оз эмас, тўлик ейсан.

Булар — дашту далангдир,
Ўгил-кизинг — болангдир.

Козону товок дейсан,

Чалвору бошмок дейсан.

Ажин эмас юзларинг —
Рўзгорингдан изларинг.

Кўзларинг хам — тушлардир,
Пати синган кушлардир.

Бу не янглиг кор бўлди —
Кора сочинг кор бўлди.

Курмок-чун бир иморат,
Чекдинг канча риёзат.

Бир тилло занжир учун
Юракларинг бўлар хун.

Ташвишларинг, дардларинг —
Сенинг умр дафтаринг.

Гийбатлар хам тўкийсан,
Бир-бирингни чўкийсан.
Лекин качон, эй инсон,
Битта китоб ўкийсан?!

2006

“ДИЛКАШ” ЧОЙХОНАСИ ТАЪРИФИДА

Шошнинг чаман гулзорида
Канча гулу ойхона бор.
Мирободнинг бозорида
“Дилкаш” деган чойхона бор.

Бунга келар Сурхондан хам,
Хевок яна Кўкондан хам,
Яйпан билан Ёпондан хам,
Мехмон билан меҳмона бор.

Дунёда дур, инжу — салом,
Бунга берар хинду салом.
Кайвониси — Абдусалом,
Доим юзи хандона бор.

Зое кетмай захматлари,
Чеккан алам, меҳнатлари,

Бўлсин элнинг раҳматлари,
Чойхонамас, кошона бор.

Атрофида гул-лолалар,
Офтоб сочар шалолалар.
Бундай жонон пиёлалар
Кай нозанин жонона бор?

Чопди роса ёзу кишлар
Абдугаффор хануз ишлар.
Тушларига кириб гиштлар,
Кечалари тўлгона бор.
Дийдор ахир бошнинг тожи,
Таъзим айлаб Одил хожи
Пешвоз олса, завкинг тошиб,
Жону дилинг мастона бор.

Бу дунёда ризк излама,
Бўйдок бўлсанг — киз излама.
Такдир билур — юз излама,
Бир кушга сув ё дона бор.

Бунга келур жононлари,
Жононларин жон олари.
Ошикларининг шонлари
Кай бек билан султона бор?

Хар сўзнинг ўз ўрни бордир,
Кулок билан бурни бордир.
Вазирнинг хам корни бордир,
Вазирларга хос хона бор.

Разм солинг оккан сува —
Дунёга ким хоким, бува?
Ўтинг, ўтинг, хоким бува,
Бунда кизик афсона бор.

Юртда эсад озод еллар,
Армон килар не-не эллар.
Чой ичганда генераллар,
Тинчлик деган шукронга бор.

Багри очик жаҳондайин,
Кўнгли бир дастурхондайин,
Дўст топсанг Кобилжондайин,
Кўркмай Чину Афгона бор.

Хар бир гуручга битта жон
Бахш этганидан лол забон,
Сохиб ака — сохибкирон
Келгандайин — мардона бор.

Йигит эрсанг — бўл ўт, олов,
Кор хам ёнар топсанг калов.
“Пахан”ларга “пахан палов”
Берсанг — канча парвона бор.

Хар кимга бир такдир, ака.
Умр йўли надир, ака?
Айтиб берар Садир ака —
Фаргона ё Анжона бор.

Хар улуги — тилло бобо,
Сўз ичра зўр мулло бобо,
Шеър айтса Абдулло бобо —
Минг булбули сайрона бор.

Соз чалса — ёниб юзлари
Ўйнар фарангнинг кизлари.
Шер оғамдай хофизлари
На Турк, на Хиндистона бор.

Биз — бир юртнинг болалари,
Бир куёшнинг толалари.
Бундай гулу лолалари
На Пориж, на Лондона бор.

Келсайди гар Жайхун кечиб,
Бобур бобо — отдан тушиб,
Бир тўхтабон, чойлар ичиб,
Бўзларди сўнг — баҳона бор.

Танхолардан танҳо юртим,
Ою куёш, Зухро юртим,
Яна кайда, тилло юртим,
Бундок тилло остона бор?

Дилкашим хам дилтортарим,
Дўсту ёроним, ёрларим,
Жимирилагай дил торларим,
Айтай неки тарона бор.

Кўрмангиз хеч хорлиг, танглиг,

Гулдай яшанг ранглиг-ранглиг,
Йўқласангиз, Сирож янглиг
Бир шоири девона бор.

2006